

Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!

Mustaqillik huquq demakdir

Нишқиф



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI BOSH
PROKURATURASINING
NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2015-yil 30-iyul, №30 (967)

Парламентда

Жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш йўлида

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, мазкур йўналишда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оилаларни мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш юзасидан ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирлар аҳоли саломатлигини таъминлаш ҳамда турмуш даражасини оширишга хизмат қилаяпти. Бунда соҳанинг пухта ҳуқуқий асослари изчил такомиллаштириб борилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Соғлом бола йили»да ушбу соҳа ривожига эътибор янада кучайтирилди. Чунинчи, тегишли Давлат дастурига мувофиқ, янги тахрирдаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг акинда бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида мазкур қонун лойиҳаси конструктив, очиқ ва ошқора мулоқот тарзида муҳокамдан ўтказилди.

Қонуннинг сўзсиз бажарилиши, соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий асосларнинг яхлитлигини таъминлаш ҳамда тизимлаштириш мақсадида унга янги моддалар киритилди. Хусусан, ҳуқуқий ҳужжатда асосий тушунчалар янада тўлдирилиб, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фаолиятни ташкил этиш масалаларини қонуний тартибда солиш, миллий спорт турлари ҳамда халқ ўйинларини ривожлантириш, аҳолини жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб қилиш, шунингдек, жисмоний тарбия ҳамда спортни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, давлат органларининг соҳадаги ваколатларига оид масалалар қамраб олинган.

Амалдаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонун нормаларини таҳлилдан ўтказиш жараёни шуни кўр-

сатдики, ўтган даврда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қоидалар, шунингдек, мазкур йўналишда тўп-ланган амалий тажриба унда тўлиқ ўз ифодасини топмаган, шу сабабли ҳам ушбу ўзгаришлар киритилмоқда.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда хорижий мамлакатлар, жумладан, Хитой, Жанубий Корея, Германия, Франция, Италия ва бошқа давлатлар тажрибаси, халқаро ҳужжатлардаги умумэтироф этилган тамойиллар инобатга олинди.

Умуман, «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуннинг янги тахрирда қабул қилиниши соҳада мутахассислар тайёрлашнинг самарали тизimini ҳамда спорт инфратузилмасини шакллантириш, илғор талаблар асосида юқори тоифали спортчилар ва спорт захирасини тайёрлаш учун зарур шароитларни яратиш ҳамда янги аҳолини шакллантириш амалиётга татбиқ этиш, юртимиз истеъдодли ўғил-қизларининг халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Мажлис якунида депутатлар томонидан янги тахрирдаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз



Юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин

Юртбошимиз раҳнамолигида республикаимизда тинчликни сақлаш ва ҳаққимиз турмуш фаровонлигини ошириш, аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Бугун шаҳару қишлоқлари-миздаги дўкон-у бозорларда харидор ва сотувчи учун барча зарур қулайликлар яратилган. Айниқса, нарх-наво харидор талабидан келиб чиқиб шакллантирилаётгани, сифатсиз ва қалбаки маҳсулотлар сотилишининг олдини олиш борасида изчил чора-тадбирлар кўриллаётгани натижасида бозорларимизда тўкинлик ва файзу барака таъминланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда деҳқон ҳамда фермерлар, тадбиркорларнинг омилкорлиги туфайли халқ истеъмоли ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш ҳажми тобора кенгайиб бораётди. Маҳсулотнинг қўлги бозор иқтисодиётининг муҳим шарти — рақобатни ривожлантиради. Рақобат бор жойда нарх-наво пасайиб, маҳсулот ва хизматлар сифати янада ошади. Жорий йилнинг июль ойидан бошлаб деҳқон бозорларини асосий турдаги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан таъмин-

лашни янада яхшилаш, харидорларга қулайлик яратиш, фермерлар манфаатдорлигини ошириш мақсадида пойтахтимиз бозорларида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги фермер ҳўжалик-ларида етиштирилаётган қишлоқ ҳўжалиги ва гўшт маҳсулотларининг доимий ярмаркаси йўлга қўйилди.

Маълум қилишларича, фермерларимиз етиштирган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини даладан тўғридан-тўғри бозорларга узлуксиз етказиб бериш чоралари кўрилмоқда. Бу борада ички ишлар, божхона, давлат солиқ хизмати ва бошқа идоралар ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Тегишли руҳсатномалар билан таъминланган мулкдорлар ҳеч бир тўсик ёки муаммога учрамасдан маҳсулотларини пойтахт бозорларига етказиб келмоқда.

Деҳқонларга пойтахт бозорларидан маҳсул расталар ажратилган. Вилоятлардан келган фермерлар Юнусобод, Олой,

Аския ва Ёски жўва деҳқон бозорларида ўз маҳсулотларини харидорларга тақдим этмоқда.

Жумладан, Юнусобод деҳқон бозорига Самарқанд ва Тошкент вилоятлари деҳқон ва фермерлари йигирмадан ортиқ турдаги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини пешма-пеш етказиб бермоқда. Савдога қўйилган, лаборатория текширувидан ўтган маҳсулотларнинг сифати банд, нархи анча арзон.

Пойтахт бозорларида фермерлар учун алоҳида жой ажратилгани, уларнинг тўловлардан озод қилингани нафақат фермерлар, балки харидорларнинг ҳам манфаатдорлигини оширмоқда. Жой харажати кам бўлса, йўлда ҳар хил тўсиқлар бўлмаса, маҳсулот нархи арзон, сифати юқори бўлиши тайин.

Шундай обод ва фаровон юрtdа яшаётганимизга шўқр қилиб, бундай фаровонликнинг қадрига етишимиз керак. Бойси, айрим давлатлардаги нотинчликлар, турли офатлар, озиқ-овқат тақчиллиги ҳақида кўп эшитамиз. Шўқрки, юртимиз тинч, осойишта. Турмушимиз фаровон, бозорларимиз тўкин-сочин.

Мустақилликнинг 24 йиллиги олтидан

Соғлом авлод — келажак пойдевори

Ўзбекистонда мустақилликнинг икк йиллигини олдидан соғлом она — соғлом бола масаласи давлат сиёсатининг улуғвор йўналишларидан бири қилиб белгиланди. Кенг қўламли умумий дастурлар доирасида амалга оширилаётган ислохотлар оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилишига зарур шарт-шароитлар яратиш, оилаларда тиббий маданиятни шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Дарҳақиқат, ўтган даврда мамлакатимизда тиббиёт соҳасига оид қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, бевосита ҳаётга татбиқ этилгани, улрдан бир қанчасига замон талабидан келиб чиқиб, тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани бугунги кунда фуқаролар соғлигини муҳофаза

қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилганини амалда намоён этди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тармоқни ислоҳ қилишга қаратилган фармон ва қарорлари аҳоли саломатлигини таъминлашда долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш доирасида она ва бола саломатлигини муҳофаза этишининг миллий модели шаклланиб, унинг юқори даражадаги самардорлиги ҳақон бўйлаб эътироф қозонди. Иختисослаштирилган тиббиёт марказлари, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий тиббиёт тамойилларига ўтилишини ўз ичига олган соғлиқни сақлаш муассасаларининг кенг тармоғи яратилгани туфайли малакали тиббий ёрдам олишга кенг йўл очилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бевосита ташаббуси билан аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат

сифатининг яхшиланиши халқимиз ҳаёт даражасининг янада кўтарилишига олиб келди. Биргина мисол, истиқлол йилларида аёлларнинг умр кўриш давомийлиги 67 ёшдан 75 ёшга узайганлиги, оналар ўлими 3,1 баравар, болалар ўлими эса 3,2 баравар камайганлиги, шунингдек, нуфузли халқаро ташкилот — «Save the Children» («Болаларни асрайлик») томонидан тузилган жаҳон рейтингига Ўзбекистон ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп гамхўрлик кўрсатадиган ўрта давлат сафидан ўрин олгани ҳам бунинг яққол далилидир.

(Давоми 5-бетда)

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши

Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юртининг мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси томонидан Қуролли Кучлар қўшинлари кўмондонликлари, ҳарбий қисм ва муассасалар командирлари (бошлиқлари) ва уларнинг ўринбосарлари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида 2015 йилнинг биринчи ярмида қонунийликни таъминлаш, ҳарбий интизом ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ишлар ҳамда келгусидаги чора-тадбирларга бағишланган Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори Ш.Узакوف сўзга чиқиб, Президентимиз Ислам Каримовнинг Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 23 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригидан келиб чиқадиган вазифалар, шу билан бирга, "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижроси юзасидан, шунингдек, ҳарбий таълим муассасаларида ўқитиш сифатини янада ошириш, ҳарбий хизматчилар фарзандлари тарбияланаётган Қуролли Кучлар тизимидаги мактабгача таълим муассасаларида соғлиқни сақлаш ва санитария-гигиена меъёрларига амал қилинишини таъминлаш, янги қонунлар, амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятини ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига етказиб бериш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 17 июлдаги "Ўзбекистон Республи-

каси давлат мустақиллигининг йиғирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қароридан келиб чиқадиган вазифаларга тўхталиб ўтилди. Шу билан бирга, биз учун энг улуғ ва энг азиз неъмат бўлган мустақиллик ва тинчликни авайлаб-асраш, шу жумладан, терроризм ва экстремизм, одам савдоси, гиёҳвандлик ва коррупцияга қарши курашиш, ҳарбий хизматчиларда ахборот хужжатлари ва ёт гоёларга қарши мафруравий иммунитетни шакллантириш ва мустаҳкамлаш, огоҳлик ва ҳушёрликни янада ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, ҳар бир ҳарбий хизматчи ҳуқуқий билимларини доимий равишда ошириб бориши, бунинг учун амалдаги қонунчилик, янги қабул қилинаётган қонунлар ва қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятини мунтазам равишда ўрганиб, уларни амалда қўллаш кўникмасига эга бўлиши лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан Қуролли Кучларда қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқ-тар-

Саидобит ЖУРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий прокурорининг матбуот
хизмати бўйича катта ёрдамчиси

тиботни мустаҳкамлаш, қўшинларнинг доимий жанговар шайлиги ва ҳаракатчанлигини кучайтириш, ҳарбий хизматчиларнинг хизматни ўташ ва яшаш жойларидаги шарт-шароитларни янада яхшилаш, уларни уй-жой билан таъминлаш, ҳарбий шаҳарчаларни қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда уларда энг замонавий талабларга жавоб берадиган барча қулайликларни яратиш, ҳарбий хизматчилар ва оила аъзоларининг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган ишларни янада тақомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар ва келгусидаги чора-тадбирлар ҳамда ҳарбий соҳа фаолиятига доир бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Мудофая ва Фақулдада вазиятлар вазирилари, ИИБ Қоровул қўшинлари ва МХХ Давлат chegarаларини ҳимоя қилиш кўмитаси вакилларининг маърузалари тингланди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши якунида кун тартибда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди ва уларнинг ижросини таъминлаш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Республика Ҳарбий суди ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг мурожаатларида ўша ҳудуддаги эришилмаётган ютуқлар ва йўл қўйилмаётган камчиликлар акс эттирилади. Шу боис раҳбар ва мутасадди ходимлардан фуқароларнинг мурожаатларига жиддий ёндашиш талаб этилади.

Ҳар бирига эътиборли бўлайлик

Кўнғирот туман прокуратурасига жорий йилнинг ўтган даврида келиб тушган мурожаатларнинг 113 таси ҳал қилиниб, 57 таси қаноатлантирилди, 80 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тингланди.

Бу борадаги текширишлар жараёнида ноқонуний қарорларга нисбатан 2 та протест келтирилиб, 3 нафар шахс интизомий, 5 нафари эса маъмурий жавобгарликка тортилди. Иш ҳақларини ундириш бўйича судларга 40 та ариза киритилди. Жумладан, туман прокуратураси томонидан Фуқаро Темура Сапаровнинг "Samsung Engineering Co.LTD" корхонасидан ноқонуний бўшатирилган сабабли қайта ишга тиклашни сўраб ёзган аризаси ўрганиб чиқилди. Текшириш давомида Т.Сапаровнинг ҳақиқатда корхона томонидан ноқонуний бўшатирилганлиги аниқланиб, бу ҳақдаги буйруқни бекор қилиш ҳақида протест келтирилди ва унинг қайта ишга тиклашни таъминланди.

Шунингдек, фуқаро С.Рейпназаров ва бошқаларнинг тумандаги "12-Кўнғирот қурилиш" бошқармасидан иш ҳақларини ундириб бериш ҳақидаги аризаси кўриб чиқилди. Уларнинг жами 4 млн. 112 минг сўм иш ҳақларини унди-

Янғабой БАБАДЖАНОВ,
Кўнғирот туман прокурори

риш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Кўнғирот туманлараро судига киритилган даъво аризаси қаноатлантирилди. "12-Кўнғирот қурилиш" бошқармаси бошлиғи эса маъмурий жавобгарликка тортилди.

Фуқаро Ш.Сержановнинг "Урганчтрансгаз" шўъба корхонаси акциядорлик компаниясининг Қорақалпоқ газ қувурлари бошқармасига қарашли турар жойлардан яшаш учун жой берилмаганлигидан норози бўлиб ёзган мурожаоти прокуратура аралашуви билан ҳал қилиниб, унга турар жой ажратиб берилди.

Фуқаро Н.Утегенова эса 2 нафар фарзандининг таъминоти учун ажратилган алимент тўловини фуқаро С.Алламбергановдан ундириб беришни сўраб мурожаат қилган. Бу ариза ҳам прокуратуранинг аралашуви билан ҳал этилиб, тўлашни керак бўлган 1 млн. 775 минг сўм миқдордаги алимент тўлиқ ундириб берилди.

Хулоса қилиб айтганда, мурожаатлар жамиятимиз кўзгусидир. Уларга эътибор қарашидаги аризалар кўриб чиқилди. Уларнинг жами 4 млн. 112 минг сўм иш ҳақларини унди-

Амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди

Самарқандда вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят прокуратураси, ИИБ раҳбарлари, туман-шаҳар прокурорлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари иштирок этди. Йиғилишда жорий йилнинг биринчи ярмида қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Улугбек ҲАМДАМОВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи ўринбосари

бирлар етарли самара бермаганлиги боис баъзи туманларда жиноятларнинг айрим турлари ошганлиги танқид остига олинди. Шунингдек, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш, унинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жойлардаги давлат бошқаруви идоралари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш, ёшларнинг таълим-тарбиясини тақомиллаштириш ҳамда одам савдоси ва ёл оқимларга қарши курашиш борасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш, аҳоли бандлигини тўлиқ таъминлаш, уларнинг мурожаатлари билан ишлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва маъсул идоралар раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Йиғилиш якунида камчиликларни бартараф этиш ва соҳада фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган қарор қабул қилинди.

Ҳаётда ақсарият ҳолатларда мақсадлари яқин, характерлари бир-бирига ўхшаш кишилар дўст бўлишади. Жиноят оламида ҳам ана шундай тонфадаги инсонлар ҳамфикр бўлиб жинойи тил бириктиришади. Фикримизни "Marsiyon plus" МЧЖ раҳбари Жамшид Қодиров мисолида давом эттирсак.

Сохта далолатномалар фрош этилди

Ж.Қодиров аввалига ягона буюртмачи инжиниринг компаниясининг лойиҳаларни бошқариш ва қурилишларнинг техник кузатуви бўйича етакчи мутахассиси билан ўзаро жинойи тил бириктирди. 2014 йил 15 январда пудрат шартномасини тузиб, "Муסיқа ва санъат мактаби" қурилиши объектида "енг шимариб" ишга киришди.

Аммо у ишларни қинғирлик билан бошлади. Сметадаги энгил ишларни ҳам бажармасдан кўпроқ фойда кўришни кўзлади. Бу ҳам етмагандек, дераза ойналарини икки қават ўрнига бир қават қилиб жойлаштирди, ҳаво алмаштириш ускуналари эса "ўрнатилди", дея қозғода қойиллатди. Натихада 113 млн. 785 минг сўмлик бажарилмаган иш ҳажмлари ҳамда 466 минг сўм сифатсиз бажарилган ишлар далолатнома акс эттирилиб, ушбу маблағ талон-торож қилинди.

Вақти келиб, "Муסיқа ва санъат" мактабидаги қурилиш жараёнлари бўйича "Бухоробойиҳа" МЧЖ мутахассислари томонидан назорат текшируви ўтказилганда, пудратчи "Marsiyon plus" МЧЖ томонидан лойиҳа ва смета ҳужжатларидан четга чиқиб, айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Ташкилот томонидан ушбу ҳолатлар юзасидан хизмат хати билан Ягона бу-

Мухаммад БЕКМУРОДОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси
бўлим катта прокурори

юртмачи инжиниринг компанияси директори Ш.Ариповга мурожаат қилинади. Ш.Арипов кўрсатилган камчиликларни 3 кун ичида бартараф этиш ҳақида МЧЖ раҳбари Ж.Қодировга кўрсатма хати йўллабди.

Хатдаги талаб ва кўрсатмалар Ж.Қодировни ҳушёрликка қақчириш керак эди. Бироқ бунақа ишларда анча тажриба орттирган Ж.Қодиров йиғилиш ўтказилганлиги ҳақида сохта баённома тузиб қўя қолади.

Хуллас, қурилиш тўла бажарилмаган бўлса-да, Ўзбекистон Республикаси болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига бунёд этилган ушбу 150 ўринли "Муסיқа ва санъат" мактаби фойдаланишга топшириб юборилди.

Жиноят жазосиз қолмайди. Давлатнинг шунча пулини осонгина ўзлаштириб олдиқ, деб йўлаган жинойи гуруҳ аъзолари янглишдилар. Бу кимсалар суд ҳукми билан жазога тортилди. Давлат бюджетига етказилган зарар тўлиқ қопланди.

Тадбирда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган мўайян ишлар амалга оширилганлиги натижасида вилоят бўйича жиноятларнинг умумий сони камайганлиги таъкидлаб ўтилди.

Шу билан бирга, жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олишга қаратилган профилактик тад-

Юртбошимиз ташаббуси билан 2001 йил 29 августда ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинганлиги ислоҳотлар жараёнида муҳим қадам бўлди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши ижро иши юритиш самарадорлигини ошириш билан бирга фуқаролар ва юрмлик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтирди.

Қонун ижроси билан кучли

Умир ТҲТАМИШОВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

Бу ҳужжатнинг аҳамиятли томони шундаки, у суд қарорларининг сўзасиз ижро этилишини таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга йўналтирилган қатор вазифаларни белгилайди.

Ижро иши юритиш институтини ислоҳ этиш, Суд департаментининг ижро ҳужжатларини ижро этиш бўйича фаолиятини янада яхшилаш ва ижро иши юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалаларини мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг марказида бўлиб келмоқда. Лекин доимий равишда ижро ҳужжатлари қонун талаби асосида ижро этилапти деб бўлмайди. Ижро ҳужжатларининг лозим даражада бажарилмаётганининг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Ижрога қаратилган деярли барча ҳужжатлар суд ижрочилари томонидан тегишли эгаларига етказилмоқда. Лекин фуқаролар ҳам, юридик шахслар ҳам бажарилиши шарт бўлган ижро ҳужжатиغا баъзан бепарқ муносабатда бўлмоқда. Бундан кўриниб турибдики, ижро интизомини мустақамлаш, аҳолининг шу соҳа бўйича ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бугунги кунда долзарб аҳамиятга молик.

"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонун талаби асосида ижрода умумий юрисдикция ва ҳўжалик судларининг қарорлари бўйича ундирувларнинг таъминлиши ҳамда терговга қадар, дастлабки тергов ва суд процесси жараёнида етказилган зарарларнинг ундирилиши аҳоли Самарқанд вилоят прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди.

Терговга қадар, дастлабки тергов ва суд процесси жараёнида ундирувга етарли даражада эътибор қаратилмаганлиги оқибатида улар томонидан келтирилган суд буйруғи ва қарорлари асосида ижро ҳужжатларининг суд департаментининг вилоят ҳудудий бошқармаси идораларига келиб тушиши ойма-ой ўсиб борган. Уларнинг ундирувини таъминлашда муайян қийинчиликлар вужудга келиши ҳамда ундирилмай келаётган маблағ юқорилигича қолаётганлиги, айниқса, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда жамият ва давлат манфаатларига етказилган зарарнинг ундирилмай қолишига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси

каси бюджети фойдасига катта миқдорда пул маблағларининг тушмай қолиши ҳамда етказилган зарарларни суд ва тергов жараёнида тўлиқ ундириш чораларини кўриш ва зарарни қоплаш учун хатланган моддий қимматликларнинг давлат даромадига ўтказилмай қолиши жиддий ташвиш уйғотмоқда.


Ундирувнинг таъминлишига жиддий эътибор берган ҳолда таҳлиллар натижасига кўра, вилоят прокуратураси, жиноят ишлари бўйича суди, ҳўжалик суди, ички ишлар бошқармаси, СВОЖДЛҚК департаментининг вилоят бошқармаси ҳамда суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш департаментининг вилоят бошқармаси ҳамкорлида бу борада ишларни мувофиқлаштириш борасида "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонун талаби асосида ижрода умумий юрисдикция ва ҳўжалик судларининг қарорлари бўйича ундирувга қаратилган қўшма кўрсатма ишлаб чиқди.

Ушбу ҳужжат зарарлар ундирувини таъминлашда дастлабки натижаларини берди. Жумладан, жиноят ишлари бўйича вилоят судларида 2014 йилнинг биринчи ярмида 5 млрд. 523 млн. сўм ундирилган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида эса 13 млрд. 523 млн. сўм, фуқаролик ишлари бўйича судларида 2014 йилнинг биринчи ярмида 46 млрд. 233 млн. сўм ундирилган бўлса, 2015 йилнинг биринчи ярмида 49 млрд. 707 млн. ёки ҳўжалик судларида ўтган йилнинг биринчи ярмида 147 млрд. 240 млн. сўм ундирилган бўлса, 2015 йилнинг биринчи ярмида 174 млрд. 261 млн. сўм, суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш департаментининг вилоят бошқармаси тизимида 2014 йилнинг биринчи ярмида 189 млрд. 676 млн. сўм ундирилган бўлса, 2015 йил 1-ярмида 225 млрд. 520 млн. сўм ундирилиши таъминланди.

Зарарларнинг ижрога қадар ундирувини таъминлаш ишончимиз комилки, албатта, ўз натижасини беради.

Мурожаатлар ўрганилганда...

Фарҳод АБДУВАЛИЕВ,
Бувайда туман прокурори



Фуқароларнинг бевосита туман прокуратурасига аризалари, ишонч телефони орқали олинган мурожаатлари қонуний ҳал этилмоқда. Хусусан, Бувайда Авто-мобил йўллари касб-хўнар коллежининг битирувчи талабаси Б.Маҳмудов ишонч телефонига мурожаат қилиб, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш учун жой ажратиш масаласини қонуний ҳал этиб беришни сўради.

Мурожаатни кўриб чиқиш жараёнида туман ҳокимлигининг ертанлаш ва ажратиш бўйича ишчи гуруҳи томонидан коллеж битирувчисига оилавий корхона ташкил этиши учун Алқор ҚФЙнинг Араб қишлоғи марказидан ер майдони ажратилди. Қурилиш-смета ҳужжатлари тайёрланиб, қурилишга рухсат берилди. Шунингдек, туман прокуратураси ишонч телефонида мурожаат этган "Атлант нефть савдо" хусусий корхонасининг раҳбари Б.Игиталиева "Миллий банк" Бувайда туман филиалидан 25 млн. сўм кредит маблағи ажратиб берилиши таъминланди.

Айни чоғда "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ижроси ўрганилди. Таҳлилларда айрим масъул мансабдор шахсларнинг ариза ва шикоятларга мендан кетгунча, эгасига етгунча қабилидаги муносабатлари кўзга ташланди. Мурожаатлар кўриб чиқилмаган, кўриб чиқиш пайсалга солинган, қонуний ҳал этилмаган, натижаси белгиланган тартибда ва муддатларда ариза муаллифларига етказилмаган ҳолатлар аниқланди.

Қонуннинг 13-моддасига биноан мурожаатлар давлат органлари томонидан қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши шарт. Туман ҳокими номига фуқаро Ф.Эрматов, М.Тўхта Назаров, Г.Қамбаров, Қ.Жўраев, Х.Уматовларнинг дорихона қуриш, дехқон ҳўжалиги ташкил этиш, уй-жой учун ер майдонларини ажратиш бериш, тендер танловида қатнашини сўраб ёзган мурожаатлари Ер ресурслари ва давлат кадастр бўлимига юборилган. Бўлим бошлиғи томонидан мурожаатлар ўз вақтида кўриб чиқилмаган. Тадбиркорликка бел боғлаган, уй қурмоқчи бўлиб мурожаат қилган муаллифларни аросатда қолдирган.

Ариза, шикоят масалани ҳал этиши шарт бўлган давлат органига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ёки текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача муддатда кўриб чиқилишига оид қонуннинг 19-моддаси талабларига ҳам амал қилинмаган. Хусусан, фуқаро А.Аманбаевнинг фермер ҳўжалиги ташкил этиш учун тендерда қатнашишга рухсат сўраб ёзган аризаси туман ҳокимлигида рўйхатга олинди. Ер ресурслари ва давлат кадастр бўлимига чиқарилган. Қўшимча ўрганиш ёки текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олишни талаб этилмайдиган ушбу аризани бўлим бошлиғи қонунда кўзда тутилган муддатда кўриб чиқмаганлиги аниқланди. Ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиғи томонидан яна учта ҳолатда юқоридагидай қонунбузилишига йўл қўйилганлиги маълум бўлди.

Бундан ташқари, мурожаатлар мазмунан тўғри ҳал қилинмай қолган ҳолатлар ҳам қайд этилган. Хусусан, Алқор ҚФЙ Араб қишлоғида яшовчи К.Худойкуловнинг ўзига тегишли 2,5 гектар мевали боғ бузилгани сабабли сабзавотчилик йўналишида фермер ҳўжалиги ташкил этиш учун туман захирасидан 5 гектар ер майдони аж-

ратиб беришни сўраб ёзган мурожаати ҳам Ер ресурслари ва давлат кадастр бўлимига юборилган. Ариза муфассал кўриб чиқилмасдан "Аризангиз мезърий ҳужжатлар асосида ўрганилганда, мазкур боғ майдони хозирда Кўчқорос Зайлобиддин бошчилигидаги "Араб обод диёр" фермер ҳўжалиги фойдаланишида эканлиги аниқланди", дея мурожаатнинг мазмунига мос келмайдиган мужмал жавоб хати йўлланган.

51-умумтаълим мактаби директори Ж.Худойбергановнинг мактабга спорт зали ва 80 ўринли синф хоналари қурилишида амалий ёрдам бериш, 2016 йил давлат дастурига киритишни сўраб ёзган аризаси туман ҳокимлигининг мурожаатлар китобида қайд қилиниб, кўриб чиқиш учун туман ХТМФМТЭ бўлими мудирига топширилган. Бўлим мудир аризани ўрганиб, туман ҳокимлигига маълумотнома тақдим қилган-у, яқуни хусусида муаллифга жавоб хати жўнатмаган. Бу билан қонуннинг мурожаатни кўриб чиққан давлат органи мурожаат этувчига кўриб чиқиш натижалари ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида ёзма ёки электрон шаклда дарҳол хабар қилиши шартлигига оид талаби бузилган. Шунингдек, туман ХТМФМТЭ бўлими мудир бир гуруҳ фуқароларнинг 45-умумтаълим мактаби футбол майдонини бошқа жойга қўриши, болалар боғчасини ишга туширишда амалий ёрдам бериш хусусидаги мурожаатларини кўриб чиқиш яқуни бўйича ариза муаллифларига жавоб хати юбормаган.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими раиси, туман электр таъминоти корхонаси раҳбари, ҳамда Ноғиронлар жамияти туман бўлими раиси ҳам юқоридагидай қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйишган. Яъни мурожаатларнинг муаллифларига жавоб хатлари йўллашмаган. Ариза муаллифларига ташкилотлар томонидан юборилган жавоб хатларида қарордан норози бўлган фуқаро яна шикоят бериш ҳуқуқига эгалиги қайд этилиши керак бўлса-да, жавоб хатларида ушбу талабларга риоя этилмаган.

Қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам фуқароларнинг мурожаатлариға лоқайд қаралган. Чунончи, Шўр МФЙ раиси кўчага асфальт ётқизиш, савдо дўкони, новвойхона, чойхона, мебель устaxonаси, сартарошхона қуриш учун ер ажратиш хусусида фуқаролардан келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқмай, ўз ҳолига ташлаб қўйган. Қўнғирот ҚФЙ, Қорақум, Пишагар МФЙларнинг раислари ҳам фуқаролардан келиб тушган турли мазмундаги мурожаатларни кўриб чиқилмаган. Жов МФЙ раиси эса икки нафар фуқаронинг мурожаатини кўриб чиқиш яқунлари ҳақида жавоб хатларини юбормаган.

Таҳлилларда аниқланган юқоридаги каби қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш чоралари кўрилади. Хизмат вазифасига лоқайд муносабатда бўлиб, қонунбузилишига йўл қўйган мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Конституцияимизда белгилаб қўйилгандек, халққа, фуқароларга хизмат қилиш давлат органлари, турли идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбар ва ходимларининг хизмат бурчидир. Улар бевосита хизмат вазифаларини адо этиш билан бирга ваколатлари доирасида фуқаролар кўтарган муаммоларини ўрганиб ҳал қилишга даъват этилган. Ариза ва шикоят, тақлифларга муносабат хизмат бурчига муносабатни кўзгудаги каби акс эттиради. Ҳар бир ишга масъулият билан ёндашувчи раҳбар, ходим мурожаатларни қонуний кўриб чиқиб, ҳал этишга астойдил ҳаракат қилса, эл дуосини олади. Аксинча, мурожаатларга лоқайд, бепарқ қарайдиган, ҳўжақўрсинга мужмал жавоб йўллаб, кўтарилган масалалар ечимини ўзидан соқит этувчи мансабдор на- зардан қолади.



Барчамиз бирдек масъулмиз



Юрда тинчлик ва фаровонлик ҳукми сурса, аҳоли хотиржам бўлади ҳамма мамлакат ривожланиб бораверади. Шунинг учун

ҳам юртимизда тинчлик, хотиржамлик, барқарор ҳаёт мароми таъминлаш масаласи устувор вазифа қилиб белгиланган. Ушбу масъуلياتи вазифа қай даражада уддаланаётгани, аввало, Президентимиз фармон ва қарорлари, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ижросининг таъминланишида ўз аксини топади.

Бу борада Қарши туман прокуратураси томонидан аниқланган камчиликларни жойида бартараф этиб, қонунлар ижросини таъминлашга эришиш чоралари кўриб келинмоқда. Жумладан, туман прокуратураси томонидан туман ИИБда текшириш ўтказилганда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида бўлим ходимлари томонидан камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди.

Жиноятчиликка қарши курашиш бўйича туман ички ишлар органларида ўтказилган 14 та текшириш натижаларига кўра, аниқланган қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиш бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан ваколатли идораларга 5 та тақдимнома киритилди.

Хисобот даврида жиноят ишлари бўйича Қарши туман судида кўрилган 82 та, шундан ҳукм чиқарилган 55 та, шу жумладан, 2 та вояга етмаганлар, 15 та оғир ва ўта оғир турдаги, ярашув асосида кўрилган 22 та жиноят ишининг барчасида прокурор иштироки таъминланиб, қонуний суд қарорлари чиқарилишига эришилди. Киритилган прокурор протести асосида 3 нафар шахсга нис-

батан 3 та жиноят иши бўйича суд қарори ўзгартирилди.

2015 йилнинг 1 июль ҳолатида 38 млрд. 526 млн. 457 минг сўмлик ижро ҳужжатлари туман суд ижрочилари иш юритувига олинди, шундан 13 млрд. 395 млн. 562 минг сўмлик ижро ҳужжатларининг ижроси таъминланди.

Ўтган давр мобайнида Қарши туман суд ижрочилари бўлимида ўтказилган текширишлар натижасига кўра, қонунга зид бўлган ҳужжатларга нисбатан 2 та протест киритилиб, улар қонунга мувофиқлаштирилди. Аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 4 та тақдимнома киритилди.

Жорий йилнинг олти ойи давомида туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида самарали назорат олиб борилди. Фуқаролардан келиб тушган аризаларнинг 260 таси ҳал қилинган, шундан 61 таси қаноатлантирилган, 52 таси рад этилган ва 147 таси бўйича тушунтириш берилган.

Текширишларда аниқланишича, тумандаги айрим корхона ва ташкилотларда ишчи-хотимларнинг ойлик маошлари мутасадди раҳбарларнинг лоқайдликлари боис ўз вақтида берилмасдан келинапти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги "Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан ўтказилган текширишда туман тиббиёт бирлашмаси бош ҳисобчиси Ў.Эргашева бирлашманинг ишчи-хотимларига жорий йилнинг февраль ойи учун жами 667 млн. 669 минг сўмлик иш ҳақларини олиб бериш учун туман газначилик бўлимига сўронома билан мурожаат қилган. Бироқ 2015 йилнинг 14 март ҳолатига кўра, газначилик бўлими ҳисобиди 1 млрд. 523 млн. 636 минг сўм миқдорда маблағ бўлса-да, бўлимнинг мутасадди ходимлари томонидан 16 мартга қадар иш ҳақи асоссиз равишда тўловга чиқарилмаган. Прокуратуранинг аралашуви билан туман тиббиёт бирлашмаси ходимларининг ойлик маошлари олиб берилди ва туман газначилик бўлими бошлиғига нисбатан ҳуқуқий чоралар кўрилди.

Ҳукуматимиз томонидан кам таъминланган оилаларга гамҳўрлик кўрсатилаётган бир пайтда айрим қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг масъул котиблари етим-есирларнинг ҳақидан қўрқмасдан, давлатимизнинг улarga ажратилган пул маблағларини талон-торож қилишгани маълум бўлди. Бундай қонунбузилиш ҳолатлари тумандаги "Қожар" маҳалла фуқаролар йиғинида аниқланди. Маҳалла раиси Х.Бозоров МФЙнинг собиқ котиби И.Баратов ва ҳозир фаолият юритаётган котиби А.Каримовлар билан тақдимнома жиноий тил бириктирган. Учовлон маҳалла махсус комиссияси томонидан ижтимоий нафақа пуллари тайинланган фуқаролар оиласининг моддий ҳолатини ўрганиш далолатномасига сохта ёзувлар киритиб, 2013 йилнинг октябрдан 2015 йилнинг февралга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги 44-сонли Қарори билан тасдиқланган

"Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларига зид равишда 32 оиллага 15 млн. 97 минг сўм моддий ёрдам ва нафақа пуллари тайинлаб, тўлаб бериш орқали бюджет маблағларини растрата йўли билан талон-торож қилишган. Ушбу ҳолат бўйича ҳам айбдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида ҳам туман прокуратураси томонидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Корхона ва ташкилотларда тадбиркорлар аризаларининг ҳал қилиниши аҳоли ўрганилганда, айрим қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Масалан, туманнинг Ковчин қишлоғида яшовчи фуқаро Ё.Равшановнинг мақорон ишлаб чиқариш цехи куриб, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун 5 сотих ер ажратишни сўраб ёзган аризаси юзасидан бирон-бир текшириш ўтказилмасдан асоссиз равишда рад этилган ва муаллифга жавоб хати ҳам юборилмаган.

Шунингдек, фуқаро Б.Қосимовнинг маиший хизмат қўрсатиш шохобчаси барпо этиш ҳақидаги, фуқаро И.Яхшиевнинг автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси куриш учун ер майдони ажратиш шохобчаси ва яна тўрт нафар фуқаронинг худди шу мазмундаги аризалари бўйича бирон-бир текшириш ўтказилмаган ва ариза муаллифларига жавоб хати юборилмаган. Туман прокуратурасининг аралашуви билан айбдорларга нисбатан тегишли жазо тайинланиб, ариза муаллифларининг муаммолари ўз ечимини топди.

Туман прокуратураси томонидан вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан ҳам мунтазам равиш-

Камолиддин ШЕРНАЗАРОВ,
Қарши туман прокурорининг катта ёрдамчиси

да назорат тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Жорий йилнинг ўтган олти ойида вояга етмаганларни ўқишга жалб қилмаганлиги учун 31 нафар ота-она Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига асосан жавобгарликка тортилди.

Туманда нақд пул тушуми режаси бажарилмаганлиги сабабли жорий йилнинг июнь ойида туман прокуратураси томонидан пул-кредит сиёсати комиссиясида текшириш ўтказилди ва натижасига кўра, туман хокимининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари ҳамда худуддаги банк филиаллари бошқарувчилари қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида огохлантирилиб, қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиш бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан туман пул-кредит сиёсати комиссиясига тақдимнома киритилди.

Туман прокуратураси томонидан жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, қонунлар ижроси устидан назоратни кучайтириш, ҳушёрликни ошириш, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш борасида ҳам кенг қамровли профилактик тадбирлар ўтказилмоқда. Буларнинг барчаси туман аҳолисининг тинч-осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлардир. Кўзга ташланаётган айрим жузъий камчиликларни бартараф этиш ўз қўлимизда. Фақат бунинг учун ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, шу эл, шу юрт фаровонлиги, ёрқин келажаги йўлида астойдил меҳнат қилмоғимиз лозим. Шунинг учун ҳаммамиз керакки, юрт тақдирини, халқимиз фаровонлиги учун, меҳнатқашларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш учун ҳаммамиз бирдек масъулмиз.

Хозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг "Қизил китоб"га ҳайвонот дунёсига мансуб 184 та, ўсимлик дунёсига мансуб 324 та тур киритилган. Ўзбекистон Республикасида ушбу бебаҳо ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик ва ҳайвонот турларини асраб қолиш ҳамда кўпайтириш мақсадида ҳимояга олинган умумий майдони 2 млн. гектардан зиёд 9 та давлат қўриқхонаси, 2 та давлат табиат миллий боғи, 1 та давлат биосфера резервати ва 9 та давлат казаниги мажхуд. Шундан Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги қўриқхоналар сони 3 тани ташкил этади. Афсуски, олиб борилаётган чора-тадбирларга қарама-қарши, Ўзбекистон ҳудудидаги ҳайвонот дунёсининг айрим турлари йўқ бўлиб кетган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоб"га киритилиб, давлат ҳимоясига олинган Бухоро бугусини ноқонуний овлаш ҳолатларини ҳам кузатиш мумкин. Мисол учун, фуқаро А.Ҳожамуратов ўзининг жиноий шериклари билан қўриқхона ҳудудида 2 бош бугуни олиб ўлдириб, ҳайвонот дунёсига 173 млн. сўмлик зиён етказганлиги аниқланди ва бу ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан иш қўзғатилиб, суд томонидан айбдорларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Атроф-муҳит муҳофазаси муҳим вазифамиз

Мустақиллигимизнинг ўтган даври мобайнида Ер колекси ва атроф-муҳитни асраб, ундан фойдаланишни тартибга солувчи ўндан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Бу ҳужжатлар ижросини таъминлаш атроф-муҳит муҳофазасида муҳим аҳамият касб этади.



Орол табиатни муҳофаза қилиш прокуратураси томонидан ўтказилган текширишлар натижасида Қипчоқ давлат ўрмон хўжалигининг Амударё сувини муҳофаза қилиш зонасидаги худуддан ноёб бўлган туронгил дарахтлари ноқонуний равишда кесилиб, ўсимлик дунёсига 71,1 млн. сўмлик зарар етказилганлиги, Нукус давлат ўрмон хўжалиги худудидаги ўрмонларда эса умумий баҳоси 202,2 млн. сўмлик шу турдаги дарахтлар кесиб кетилганлиги аниқланди. Ушбу ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, айбдор шахсларнинг жиноий жавобгарлиги таъминланди.


Текширишлар натижасига кўра, аниқланган қонунбузилишларни

бартараф этиш юзасидан 175 та прокурор назорат ҳужжати қўлланилиб, кўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 8 та жиноят иши қўзғатилди. Айбдорларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди. Табиатга етказилган зарарнинг 240 млн. сўми ихтиёрни ундирилиб, 13 млн. сўмлик зарарни ундириш юзасидан судларга 70 та даъво аризаси киритилди.

Она табиатни кўз қорачигимиздек асраш, табиий бойликларимиздан тўғри фойдаланиш ҳар биримизнинг вазифамиз бўлиши лозим. Шундангина келажақ авлоднинг соғлом ўсиб-улғайиши учун зарур бўлган соф, мусаффо муҳитнинг сақланишига эришамиз.

Азамат Юлдашев,
Орол табиатни муҳофаза қилиш прокурорининг ёрдамчиси

Қонун устуворлиги мақсади сари



Маълумки, ҳар қандай жамиятнинг ривож, энг аввало, шу жамият аъзолари манфаатларини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари нечогаи мустаҳкам яратилганлигига боғлиқдир. Мамлакатимизда ҳам мустақилликнинг ilk кунлариданоқ инсон ҳуқуқларини кафолатловчи ҳуқуқий базани яратишга алоҳида эътибор қаратилиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашнинг кучли механизмлари вужудга келтирилди, босқичма-босқич мустаҳкамланди. Ўтган давр ичида эса яратилган барча меъёрий ҳужжатлар давр талабига мос равишда янада такомиллаштирилди.

Албатта, бу ишларнинг барчаси халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини тўлақонли таъминлашда ўз самарасини бермоқда. Бу борадаги вазибаларнинг рўйбга чиқарилишида прокуратура органлари фуқаролар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини бевосита ва суд орқали ҳимоя қилиш, суднинг қонунга хилоф бўлган қарорларига нисбатан протест келтириш йўли билан қонун устуворлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Хусусан, судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратура органлари томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Бош прокурорнинг соҳавий буйруғи ва хайъат қарорлари талабларидан келиб чиққан ҳолда судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, фуқаролар, давлат ва жамоат

ташкilotларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ходимларнинг касб маҳоратларини ошириш борасида муайян тадбирлар амалга оширилган.

Бу борада олиб борилган ишларнинг тахлили натижаларига кўра, жорий йилнинг ўтган 6 ойида биринчи инстанция судлари томонидан жами 123 773 та фуқаролик ишлари кўрилган бўлиб, шундан 76086 тасида прокурор иштироки таъминланган. Бўлим ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъатида 168 та фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштироки таъминланиб, 38 та иш бўйича суд қарорларига нисбатан Бош прокуратура томонидан протест келтирилган.

Прокурорлар томонидан судларга ўтган даврда етказилган моддий зарарларни ундириш ва бошқа масалалар юзасидан 71 млрд. 408 млн. сўмни ундириш юзасидан 7837 та даъво аризаси кўзгатилиб, шу кунга қадар 46 млрд. 306 млн. сўмининг ундирилиши таъминланган.

Ҳар қандай жамият тараққиётининг муҳим таянчларидан бири — бу фуқароларнинг муносабатларига бепарво бўлмасликдир. Шу боис мамлакатимизда ҳам бунга алоҳида эътибор қаратилиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун қонуний кафолатлар яратилган. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида"ги Қонуни, Республика Бош прокурорининг "Фуқаролар ва юридик шахсларнинг муносабатлари кўриб чиқилишида қонунийликни таъминлаш тўғрисида"ги буйруғи талабларига ҳамда муносабатларнинг қонунда белгиланган муддатларда ҳал қилинишига асосий эътибор қаратилмоқда.

Шу йилнинг ўтган олти ойида бўлимга фуқаролардан жами 3243 та ариза ва шикоят келиб тушган. Уларнинг 595 таси бевосита бўлим ходимлари томонидан ҳал қилинди, 9 та ариза текшириш натижасига кўра қаноатлантирилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий судига протестлар келтириш орқали 10 нафар фуқаронинг ҳуқуқлари тикланди. Жумладан, Бош прокуратура томонидан фуқаро У.Азимовнинг суд қарорларидан норози бўлиб ёзган аризаси текширилиши натижаларидан аниқланишича, даъвогар У.Азимов жавобгар Ф.Шокиров ва бошқаларга нисбатан судга даъво аризаси билан муносабат келиб, унда хусусий корхонасига тегишли автоматизация бўйича тузилган олди-сотди, ҳада шартномалари ва йиғилиш баённомасини ҳақиқий эмас деб топгани сўраган.

Ўз навбатида, Ф.Шокиров ҳам судга қарши даъво аризаси тақдим этиб, хусусий корхонаси Низомига қиритилган янги тахрирдаги ўзгартиш ва қўшимчалар матнини ҳамда 2013 йил 10 январдаги буйруқни ҳақиқий эмас деб топгани сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъвогар У.Азимов ва қарши даъвогар Ф.Шокировнинг даъво талаблари рад қилинган.

Апелляция инстанцияси ажрими билан мазкур ҳал қилув қаро-

ри ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳолатлари ўрганилганида, судлар томонидан моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари бузилганлиги, даъво-шикоятларда келтирилган бир қатор важлар эътиборсиз қолдирилганлиги аниқланган.

Қайд қилинган камчиликлар юзасидан Бош прокуратура томонидан мазкур ишлар бўйича қабул қилинган суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун кассация инстанциясига юбориш ҳақида Республика Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъатига назорат тартибда протест келтирилди.

Бу каби ишлар билан бир қаторда, фуқаролардан келиб тушган аризаларнинг 2331 таси ҳал қилиш учун қуйи прокуратура органларига юборилиб, шундан 774 та ариза Бош прокуратура раҳбарияти томонидан назоратга олинган. Уларнинг 77 таси қуйида қаноатлантирилган, 37 та протест, 5 таси бўйича жиноят иши кўзгатирилган ва зарарни ундириш юзасидан судларга 18 та ариза қиритилган.

Тахлилга кўра, уй-жой ва бошқа тоифадаги низолар бўйича суд қарорларидан норози бўлиб ёзилган ариза ва шикоятлар бир мунча ортган.

Иш режаси асосида 433 та фуқаролик иши ўрганилиб, жойларга суд қарорлар юзасидан хатоларни бартараф этиш чораларини кўриш учун 20 та кўрсатма юборилди, янги очилган ҳолат бўйича судга 1 та ариза қиритилди.

Бош прокуратуранинг 2015 йил 1-ярмига мўлжалланган иш режасига асосан 2013-2014 йилларда фуқаролик ишлари бўйича судларда моддий ва маънавий зарарни ундириш билан боғлиқ ишларнинг кўрилишида прокурор иштироки, суд қарорларининг қонунийлиги ҳамда ушбу тоифадаги ишлар бўйича фуқаролар муносабатларини ҳал этиш аҳоли ўрганилди. Шу йилнинг ўтган олти ойлик даврида қуйи прокуратуралар томонидан судларнинг мазкур тоифадаги ишлар бўйича қабул қилган қонуний қарорларига нисбатан жами 247 та, шундан 111 та апелляция ва 126 та кассация ва 10 та назорат тартибда

Ботир НОПОВ,
Бош прокуратура бўлим бошлиғи

протест келтирилиб, асосий суд қарорларини қонунга мувофиқлаштириш чоралари кўрилди.

Бундан ташқари, Бош прокуратура ташаббуси билан ушбу тоифадаги ишлар бўйича суднинг қонунга хилоф қарорларига нисбатан жами 101 та, шундан 8 та апелляция, 84 та кассация ва 9 та назорат тартибда протест келтирилди.

Шу билан бирга, жами 48 нафар фуқаронинг манфаатини кўзлаб уларга етказилган 813,3 млн. сўмлик моддий ва маънавий зарарларни ундириш ҳақида судларга 39 та даъво аризаси киритилиши таъминланди.

Ўтган давр мобайнида соҳа бўйича 12 та ҳолатда жиноят ишлари кўзгатилиб, айбдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўрилиши таъминланди. Бош прокуратура ташаббуси билан эса 12 та жиноят иши кўзгатилиди.

Қонунчилик тарғиботи фаолиятида бўлим ходимлари томонидан 29 та қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар лойиҳалари ўрганилиб, тегишли муносабат билдирилди.

Фаолиятимиз жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган экан, бу борадаги мақсадларга эришиш учун ҳар бир ходимдан касбига садоқатли бўлиш, муносабатларни ҳал қилишда қатъиятлик, ҳар бир иш юзасидан қарор қабул қилишдан аввал чуқур таҳлил қилиб, камчиликларга йўл қўймаслик талаб этилади. Ана шундагина биз қурмоқчи бўлган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти пойдеворини янада мустаҳкамлашга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, юртимиз қонунларининг аниқ ва бир хилда ижро этилишига эришиш каби мақсадни рўйбга чиқаришга эришамиз. Шундай экан, бунинг учун тинмай изланиш доимий вазибаларимиз бўлиб қолаверадим.

Соғлом авлод — келажак пойдевори

**/Давоми.
Бошланиши 1-бетда/**

Бундан ташқари, бир қатор нуфузли халқаро институтларнинг баҳолашича, Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шартлар яратиш ва оналикни муҳофаза этиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Айниқса, ўтган йили Ўзбекистон Республикасининг "Соғлом бола йили" Давлат дастури Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида Бош ассамблеянинг 68-сессияси расмий ҳужжати сифатида тарқатилиши ҳам мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлаш, айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза

қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганининг самарасидир.

Албатта, бундай ютуқларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Бунда биринчи навбатда, туғилаётган гўдакларнинг саломатлиги ҳақида қайғуриш, уларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашда, аввало, oilаларнинг, бўлажак ота-оналарнинг масъулиятини қучайтириш масаласи муҳим дастуриламал вазифасини ўтади. Шунингдек, oilалар, мактаблар, соғлиқни сақлаш тизими, давлат ва жамоат ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти ҳам мамлакатимиз учун долзарб масала сифатида қўйилган юқоридаги вазифа-

ларнинг самарали тарзда ҳал этилишида ўзига хос ечим бўлмоқда.

Ўз навбатида "Соғлом бола йили" Давлат дастурининг қабул қилиниши ҳам оналик ва болаликни муҳофаза қилишга йўналтирилган ишлар микқиси ва қўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Бунда, энг аввало, соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, чунончи, жамоат жойларида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилганлик ҳамда уни тарғиб қилганлик учун маъмурий жазо чораларини белгилашга йўналтирилган қонун лойиҳасини қабул қилиш кўзда тутилган бўлиб, улар шубҳасиз, бу борадаги ишларнинг мантйқий давоми бўлади.

Хулоса ўрнида Президентимиз Исло Каримовнинг қуйидаги фикрла-

Азизжон МАМАТКУЛОВ,
Тошкент вилоят прокурорининг ёрдамчиси

рини келтириб ўтишни лозим топдик: "Биз ушбу Мустақиллик — миллатимиз, мамлакатимизнинг жаҳонда обрў-эътиборини, шон-шавкатини кўтарадиган соғлом авлодди, ҳар жиҳатдан баркамол ва фидойий ўғил-қизларни тарбиялаш, уларни вояга етказиш ва бахтини кўришдир. Аллоҳнинг ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эғалик қилиш, халқимиз қудратли салоҳияти, ақлу заковатига таяниб Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир oilа учун муносиб ҳаёт қуриш, келажак авлод учун озода ва обод Ватан қолдиришдир".

Анджон туманидаги Оқ-ёр sanoat касб-хунар коллежини 2013 йилда 158 нафар ўқувчи битириши лозим эди. Аммо дарс машғулотларига мунтазам қатнашмагани, ўқув режасидаги фанларни ўзлаштира олмагани ёки ишлаб чиқариш дипломи олди амалиётини ўташ учун шартнома тузмагани сабабли 35 нафар ўқувчи курсла қолирилди.

Дипломфурушлар фош этилди

Баҳромжон НОЗИМОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Андижон вилоят бошқармаси
катта инспектори

Бу эса коллежни битирганлик тўғрисидаги 35 та диплом ортиб қолганини аниқларди. Улар ўрта-максус касб-хунар таълими бошқармасига тегишли даволантома асосида қайтарилиши керак эди. Аммо...

Айни шу пайтда директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Элёр Ҳайдаров К.Дўстматовнинг хузурига "антиқа" таклиф билан кириб келди.

— Комилжон Норматович, битта илтимосим бор. Айбга буюрмасангиз, шу... Устозим Музаффар ака Набиевни танийсиз-а? Уша учта болага диплом ёзиб беришни сўраяпти. Биласиз-у, унга йўқ, дея олмайдим.

— Қанақа бўларкин? Ахир улар бизда ўқимаган, — дея ўйга толди раҳбар.

— Бошқармадан барча ҳужжатларни ўзимиз тўғрилаймиз. Иси чиксаям ўзимиз жавоб берамиз. Буни ҳеч ким билмайди. Оз-моз ҳақиям бўлади, албатта, — мийғида жилмайди ўринбосар.

Орага жимлик чўқди. Шундан сўнг раҳбар ва ўринбосар ишни тезда пишитишди. Шу тариқа учта сохта диплом "битирувчи"га топширилди. Албатта, бунинг учун мўмайгина ҳақ ҳам олинди.

Асака хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида ахборот-ресурс маркази раҳбари ўринбосари вазиасида меҳнат қилган С.Абдурахимовага 2013 йилнинг май ойида кўшниси Н.Тешабоева мурожаат қилди. У хижани учун диплом ёзиб бериш имкони бор-йўқлигини сўрагани. Ўз навбатида С.Абдурахимова ушбу масалалда коллежнинг бош ҳисобчиси Жалолиддин Раҳмоновга мурожаат қилди. Ж.Раҳмонов дарҳол таниши М.Набиевга кўнғирқор қилди. У эса шогирди Э.Ҳайдаров Андижон тумани Оқ-ёр sanoat касб-хунар коллежида директор ўринбосари вазиасида меҳнат қилаётганини билиб, унга дипломларни тайёрлаб беришини айтди. Шу тариқа ўзига ҳам жинойи тармоқ ҳосил бўлди.

Текширувлар давомида зиё масканида бундан олдин ҳам шу каби жиноятлар содир этилгани фош этилди. Хусусан, 2010 йилнинг ноябрдан 2012 йилнинг июль ойига қадар коллеж директори вазиасида меҳнат қилган Инобат Ҳабибуллаева ҳам фаолияти давомида саккиз нафар битирувчига шундай ҳужжатларни тақдим этгани аниқланди. Қолаверса, унинг ўринбосари Шавкат Аҳмедовнинг ҳам иккита шундай холатга бевосита аралашгани исботланди.

Фарзанди, қариндошларини тер тўкмай "маълумотли" қилишга уринганлар дастлаб ҳуқуқбузарларнинг воситачиларига битта диплом учун 500 АҚШ долларини беришганини кўшимча қилиш жоиз. Оқ-ёр sanoat касб-хунар коллежининг мутасаддиларига эса бу парадан тенг ярми, яъни 250 АҚШ доллари этиб борган.

Пахтаобод қурилиш ва коммунал хизмат коллежи директори Қудрат Тўйчиев ҳам Оқ-ёрдаги ҳамкасбидан қошиммасликка ҳаракат қилди. У ҳам М.Набиев ва Ж.Раҳмонов ҳамда бошқа шахсларнинг иштирокида аслида коллежда ўқимаган тўрт нафар фуқарога сохта дипломларни топширди.

Уюшган жиноятчилар қилмишларини яшириш учун коллежда ўқимаган фуқароларнинг диплом олгани ҳақидаги ёзувлар киритилган "Битирувчиларга дипломларни ҳисобга олиш ва ўқувчиларга топширишни қайд қилиш" китобини йўқ қилишди. Унинг ўрнига бошқаси олинди, унга сохта ёзувлар киритилди. Шу билан улар ҳуқуқбузарлигинини ҳеч ким билмайди, деб ўйлашгани. Аммо қинғир ишининг қийғи қирқ йилда ҳам чиқади, дейди доно халқимиз. Ҳуқуқ-тартибот идораларининг синчков вакилларига биринчи текширувлардаёқ юқоридаги кимсаларнинг номақбул хатти-ҳаракатлари кундек равшан бўлди-қолди.

Тергов-суриштирув ишлари чоғида юқоридаги таълим даргоҳлари томонидан берилган 19 та сохта диплом мусодара этилди ва тегишли тартибда йўқ қилинди.

Оқир-оқбатда адолат қарор топди. Суд ҳукми билан К.Дўстматов етти йилга озодликдан маҳрум қилинди. Э.Ҳайдаров ҳам 7 йил, М.Набиев 3 йил-у 6 ой, Ж.Раҳмонов 2 йил-у 6 ойни жазони ижро этиш муассасаларида ўтказадиган бўлди. Ш.Аҳмедовга нисбатан шартли равишда озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилиб, унга икки йил синов мuddати белгиланди. Шу тариқа яқинлари, маҳалла-кўй олдида юзи шувут бўлган сохтакорлар қилмиши ҳақида обдон ўйлаб кўриш учун етарли фурсатга эга бўлишди.

Меҳнатсиз даромад орзумандлари



Юртимизда валюта бозорини эркинлаштириш, миллий валюта мақомини янада мустаҳкамлаш, нақд хорижий валютанинг муомала доирасини тартибга солиш, шунингдек, валюта алмаштириш операцияларини амалга ошириш механизмининг такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2013 йил 30 январда "Жисмоний шахсларга хорижий валютани сотиш тартибини янада либераллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорнинг қабул қилиниши билан ички валюта бозорининг эркинлашуви, товарлар экспорт-импорти, валюта олди-сотдиси, молиявий операциялар ва савдога алоқадор бўлган пул ўтказиш тушулларининг эркинлашуви ҳамда хорижий валюта би-

лан муомала қилиш учун яна бир қулайлик яратилди.

Бироқ, ўз нафсига эрк бериб, тўғри йўлдан эмас, эгрисидан юришни афзал кўрадиганлар ҳам учраб турибди. Бунга валюта олди-сотдисини ўзи учун касб қилган кимсаларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Хусусан, Бош прокуратура хузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Тошкент вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда фуқ-

Марат ЮНУСОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Тошкент вилоят бошқармаси бўлим
бошлиғи

ро Шаҳноза Ҳамраева валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда ўтказиш ва ноқонуний бойлик орттириши мақсад қилгани фош бўлди. У Абдулла Улбиев ва Салим Меражовлар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) билан олдиндан жинойи тил бириктириб, Олмалик шаҳридаги умумий овқатланиш корхоналарининг бирида фуқаро Д.Исламовга 11 минг 500 АҚШ долларини жами 45 млн. сўмга сотаётган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган. Ушбу ҳолат юзасидан қонунбузарларга нисбатан жинойи иши кўзга тилиб, суд томонидан уларга қонуний жазо белгиланди.

Қозонга яқин юрсанг...

Ваҳобилдин Оstonов Каттақўрғон туманидаги "Қорадар" электр тармоқлари корхонасида аҳоли билан ишлаш бўйича назоратчи вазиасида ишларди. Тинчгина ишлаб юрган йигитни нафс ўз ногорасига ўйната бошлади. У ўзининг хизмат ҳудуди саналган "Равотли" қишлоғига бориб фуқаро Нигора Ражабовага учрашиб:

— Фойдаланган электрдан қарзингиз кўпайиб кеттиби, — деди. Хонадон соҳиббаси ёрдам қилишини сўради. Шунинг кутиб турган электр назоратчиси:

— Мени рози қилсангиз, барча қарзларингизни йўқ қилиб бераман, — деб ваъда берди. Унга ишонган Нигора Ражабовадан олдинга 300 минг сўм, кейинроқ 200 минг сўм пулларини олиб кетди.

Шундан сўнг "Қорабек" қишлоғига бориб, Даврон Элбоевдан ҳам қарздорликни йўқ қилиб бериш эвазига 100 АҚШ доллари ва 700 минг сўм пул олиб кетди. Бу абонентларнинг қарздорлигини қопламасдан, пулларни ўз эҳтиёжига сарфлаб юборди.

Бундан ташқари, фуқаролар Дилбар Аҳмедовдан 50 АҚШ доллари, Хусниддин Норкуловдан 100 минг сўм, Мийлихон Ўсаровдан 140 минг сўм, Феруза Искандаровдан 200 АҚШ доллари, Дилбар Қўнишевдан 450 минг сўм, Зайнаб Туриевадан 700 минг сўм, Ибодулла Жияновдан 80

минг сўм, Абдурашул Жамоловдан 100 минг сўм, Даврон Холбековдан 220 минг сўм, Орзикул Санаевдан 245 минг сўм, Икром Жўраевдан 100 минг сўм, Мехриддин Пармоновдан 130 минг сўм, Муҳаррам Сафаровдан 245 минг сўм, Раббим Турдиевдан 812 минг сўм пулларни турли баҳоналар билан йиғиб олди. Бу пуллар ҳам унинг жигилдонидан жой олди.

Бундай ҳолатни "Қорадар" электр тармоқлари корхонасининг бошқа ишчилари "фаолият"-ида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, назоратчилар Ойбек Бобомуродов, Учқун Раҳимов, электромонтёр Эшмурод Эшқувватов, техник Рустам Авазов, уста Олимжон Худоевров кабилар шу тахлит иш юриштирган. Биринчи "Уйингизга янги электр ҳисоблагич қўйиб бераман" деса, бошқаси "Ҳисоблагични ҳужжатлаштириб бераман" деган. Яна бири эса "Қарздорликни йўқотаман" каби баҳоналарни тўқиган. Мақсад эса ўз чўнтагини қаплайтириш бўлган, холос.

Суд уларнинг ҳар бирининг қилмишини ўрганиб чиқиб, айбига яраша ахлоқ тузатиши ва жарима жазоларига тортиди. Шунингдек, жабранувчиларга етказилган зарар қопланадиган бўлди.

Жувозчи оғайнилар

Юртимизда аҳолига сифатли ва истеъмол стандартларига мос ёғ-мой маҳсулотларини етказиб бериш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилиб, ушбу соҳани тартибга солиш юзасидан тегишли меърий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Шундай бўлса-да, тегишли тартиб ва назоратни чеклаб ўтиб, яширин тарзда ёғ-мой ишлаб чиқариш билан шуғулланаётганлар ҳам йўқ эмас.

Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат истеъмолчилар соғлиғига, балки ҳаётига ҳам хавф туғдириши шубҳасиз.

Департаментнинг Беруний туман бўлими томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда ўзбошимчилик билан газ ва электр тармоғига улашиб, қўлбола жувозда ёғ ишлаб чиқаришни йўлга қўйган фуқаролар Тўлқин Салимов ва Адилбек Янгибаевнинг қонунга хилоф фаолиятига чек қўйилди. Улар ўзлари ишлаб чиқараётган ёғ сифати ҳақида ўйлаб ҳам кўрмасдан, ҳамқишлоқларига сотишган экан. Тадбир давомида улардан чигит, истеъмолга

яроқсиз ёғ, кунжара ва жувоз усқунаси ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Шунингдек, улар ноқонуний равишда газ ва электр тармоғидан фойдаланиб, электр тармоқлари ва газ таъминоти корхонасига 29454,3 минг сўмлик зарар келтирганликлари ҳам маълум бўлди.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзга тилиб, суд томонидан қонунбузарларга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Ёғ-мой маҳсулотларини яширин ишлаб чиқариш мўмай даромад ортидан қувшидир.

Зафар САБУРОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Беруний туман бўлими
суриштирувчиси

Албатта, бу каби қонунбузарларга нисбатан ўзгарилаётган чоралар ўз самарасини бериши аниқ. Лекин бундайларнинг фаолиятига барҳам беришда нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки жойлардаги фуқароларимизнинг фаол иштироки ҳам муҳим аҳамият касб этади.



Фарзанд тарбиясига бефарқ бўлманг



Жасур ОХУНОВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг ўринбосари

Мустақиллик шарофати билан юртимизда буюк келажак барпо этиш бош мақсадимизга айланди. Бу борада истиқлолнинг илк кунларидан қўлга киритилган ютуқларни қадрлайдиган, биз бугун амалга ошираётган ишларнинг муносиб давомчилари бўла оладиган эртамиз эгалари — ёшларимиз ҳақида қайғуришни даврининг ўзи тақозо этмоқда. Сўнгги йилларда фарзандларимизнинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш борасида изчил сайё-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Уларнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари йўлида имкониятлар ишга солиниши баробарида таълим-тарбия олиши, ўз икtidори ҳамда имкониятларини рўёбга чиқариши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Шунингдек, ўтган давр мобайнида замонавий ахборот-коммуникация тизимидан, Интернетдан кенг фойдаланишга, таълим-тарбия самарасини оширишга эътибор кучайтирилди, болалар, айниқса, киз болалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни омаллаштириш бўйича кенг қўламдаги ишлар давом эттирилди. Мамлакатимизнинг турли гушаларида қад ростлаётган, жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берадиган замонавий ўқув даргоҳлари, спорт-соғломлаштириш иншоотлари, барча-барчаси фикримизнинг яққол исботи бўла олади.

Бинобарин, ёшларимизда Ватанимиз тақдирига, мамлакатимизда кечаётган демократик ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси ҳам тобора ошиб бормоқда.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш асосий масалалардан бири бўлгани боис бу борада қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори, Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури, Вазирлар Маъжмасининг "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида"ги Қарори шулар жумласидандир. Шунингдек, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида"ги Қонунларнинг қабул қилинганлиги, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига вояга етмаган шахснинг кўнгил очиб (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўйганлик учун, никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун, болаларнинг мажбурий умумтаълим, ўрта махсус касб-хунар таълими олишига ота-оналар ёки уларнинг ўрини босувчи шахслар томонидан тўққинлик қилинганлиги учун жавобгарлик нормаларининг белгиланганлиги ҳам ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарлик йўлига ўтишининг олдини олиш уларнинг соғлом ва баркамол бўлиб ўлғайишининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, қунончи, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш борасидаги ишлар муҳим тарихий аҳамиятга эга. Зеро, Юртбошимизнинг ташаббуси билан

амалга оширилаётган ушбу хайрли ишлар миллатни соғломлаштириш гоёсининг асосини ташкил қилади. Бугунги кунда ҳар қайси халқ, давлат ва жамиятнинг ривожланиш омили инсон, унинг соғлиги ва турмуш даражасига берилаётган эътибор, шу йўлдаги сайё-ҳаракат билан ўлчаниши барчамизга кундек равшан. Эл соғлиги йўлида қилинадиган ишлар нечоғлик муҳим ва долзарб эканлиги Президентимизнинг "Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади", деган сўзларида ҳам яққол ифодаланган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, келажақ авлод пойдевори, аниқроғи, инсон шахсини шакллантириш аввало оиладан бошланади. Шу боис, оилада бола тарбиясига эътиборни кучайтириш ҳамда оилани мустаҳкамлаш масаласи ўта муҳим ҳисобланади. Дарҳақиқат, оила қанчалар аҳил, мустаҳкам бўлса, жамият шунчалик ривожланади. Оилада тинчлик, тотувлик, файзу барака бўлса, жамият тинч, осойишта, юрда маъмурчилик, барқарорлик бўлади. Оила маънавият кўргони, тарбия маскани бўлиб, айнан оилада Ватан келажаги бўлган фарзандлар камол топади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исом Каримов таъкидлаганидек, "Ҳар қайси миллатнинг ўзига сох маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Чунки, инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий туйғунча ва тасавурлари биринчи галда оила барида шаклланади.

Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳаммиса эзгу орзу ва интилишлари билан яшайди".

Шу сабабли, юқорида қайд этганимиздек, бугун юртимизда қилинаётган барча ишлар биринчи галда ёшларимизнинг бахт-у саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда. Одоби ва билимдон, ақли ва соғлом, меҳрибон ва меҳнатсевар фарзанд нафақат ота-онасининг, балки бутун жамият, давлатимиз ва халқимизнинг битмас-туганмас бойлигидир. Ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, маънавият кўргонини бўлган оилани мустаҳкамлаш барчамизнинг бурчимиз эканлигини зинҳор ёддан чиқармаслигимиз лозим.

Юртбошимизнинг мамлакатимиз ворислари бўлмиш ёш авлодининг баркамол бўлиб вояга етишида оила, ота-она масъулиятини, умумий таълим ва унинг узвий давоми бўлиши академик лицей ва касб-хунар таълими сифатини оширишга, ўғил-қизларимизнинг малакали кадрлар бўлиб етишишга жиддий эътибор бераётгани бежиз эмас. Шунингдек, таълим соҳасига давлатимиз томонидан қатъинча маблағ ажратилаётган. Республикамактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқиш,

хунар ўрганиш учун яратилган шароитлар хатто ривожланган давлатларда ҳам учрамайди.

Аммо афсуски, ана шундай шарт-шароитларга лоқайд, бепасанд муносабатда бўлаётган ёшларимиз ҳам учраб турибди.

Айни ўқиб-ўрганадиган ёшдаги айрим ўспиринлар вақтинчалик кадрига етмайдилар. Бундайлар бугун олаётган билимлари эрта бир кун асқотиши, ҳаёт йўлларида керак бўлиши ҳақида бош қотирмай, фақат бугун билан яшашни мақсад қиладилар. Янада ачинарлиси, уларнинг орасида хориж жангари фильмларида кўрганларини ҳаётга "татбиқ" этиш фикри билан қулай фурсат пойлаб юрганлари ҳам йўқ эмас. Шунингдек, фарзандининг дарсларни ўзлаштириши, ўқув масканига қатнаши, бўш вақтларини қандай ўтказишини назорат қилмайдиган ота-оналар ҳам учраб турибди.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида айни ўқиб-ўрганиб, ўзига мос касб-хунар эгаси бўлиши лозим бўлгани ҳолда, "тўқликка — шўхлик" қабилида иш тугган, ўзини худди юқорида қайд этилган жангари фильмлардаги эпчил, кўрқмас, бир ўзи ўнтага бас келадиган барзангилар каби тасавур қилган йигитчаларга нисбатан қўзғатилган жиноят иши кўриб чиқилди.

Маълум бўлишича, Шифокорлар шаҳарчаси худудидеда жойлашган "Офарин" ресторанида тўйга келган ёш-яланглар билан шу атрофдан ўтиб кетаётган йигитчалар гап талашиб қолишди.

Аввалига бошланган жанжал, зумда мушталашувга айлананди. Меҳмонлар афтидан бу ерга шунчалик келишмаган, шекилли, аллақердан қўлларида пайдо бўлган таёк, дубинка ҳамда пичоқларни намойиш қилишди. Уларнинг орасида пневматик тўпнотча билан қуроллангани ҳам бор экан.

Кўп ўтмай бир томон "енгилади" ва йигитлар тарқалиб, воқеа жойини тарк этидилар.

Жабранувчилар "рақиб"ларидан ўч олишни мақсад қилдилар. Гўёки, ўз худудидеда қалтакланган бу безорилар кўнгилларида қасос олишни туғиб қўйган эдилар. Зўравонларга нималарга қодир эканликларини кўрсатиб қўймоқчи бўлишди ва телефон орқали улар билан боғланиб, муносабатларига ойдинлик киритиб олиш учун "ларчасувга" белгилайдилар. Кўча тили билан айтганда, "разбор"га чақирадилар. Иккинчи томон ҳам бу тақлифга бажонидил рози бўлади.

Бўлажақ тўқнашувга жиддий ҳозирлик қўрилади. Вояга етмаган учтўрт нафар ўспиринни жалб қилган ҳолда бўш шиша идишларга бензин қўйилиб, тез ёнувчан аралашма тайёрлайдилар. Кеч киргач, таёк, бита, пичоқ, пневматик тўпнотча ва шишалар билан қуролланган тўда келишилган жойга отланди.

Бу пайтда эса белгиланган манзилга муддатидан аввалроқ етиб келган иккинчи томон тошлар билан қуролланиб, "рақиб"нинг кўриниши беришини кўтиб турарди. Кўп ўтмай масофадан туриб жанг бошланади. Бир тараф рақибага тош отса, қарши томондан шишалар ёндириб, улоқтирилади. Шунингдек, бир кун аввалги тўқнашувда қўлланган пневматик тўпнотча ҳам ишга солинади. Икки тўда ўртасида жиддий тус олган ур-

тўполон кўпқаватли уйда яшовчи одамларни ҳам оёққа тургазида. Аммо уларнинг безориларни ҳайдаб юборишга бўлган уринишлари наф келтирмайди.

Ачинарлиси, ур-тўполонда ўспиринлардан бири жиддий жароҳат олади. Омади бор экан, уқаси ва таънишлари келиб қолиб, уни ўлимдан асраб қолишди ва йўловчи машинада касалхонага олиб боришди. Шифокорларнинг ўз вақтида кўрсатган тиббий ёрдами сабабли унинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Жамиятда юриш-туриш қодаларини менсимай баданга тан жароҳати етказиш, қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилиш, ўта шафқатсизлик билан, безорилик оқибатида, бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилишида ҳамда вояга етмаган шахсини жиноят қилишга жалб этиш каби жиноятларни содир қилган айбланувчилар қўлга олинди, тезкор-тергов ҳаракатлари олиб борилди ва яқунланиб, суд ҳукмига ҳавола этилди.



Суд томонидан Раҳматилла Камолов, Озодхон Эркинов, Сардор Фафуров, Шерзод Атабаев, Ойбек Толипов, Аҳмадхон Ниғматов, Азамат Ниғматов ҳамда Борис Паққа қилмишларига яраша жазо тайинланди.

Ҳа, жиноят содир этилди ва жиноятчиларга қилмишларига яраша жазо тайинлаш баробарида нафақат уларга, балки ушбу ҳолатга гувоҳ бўлганларга ҳам шаҳар бедарвоза эмаслиги яна бир бор эслатиб қўйилди. Шу билан мақолага нуқта қўйилса ҳам бўларди. Аммо ушбу мудҳиш ҳолатда қатнашганлар асосан 1994-1998 йилларда турган бўлиб, аксарияти катта ҳаёт оstonасида турган, баъзилари эса ҳали вояга етиб ҳам улгурмаган эканлигини таъкидлаган ҳолда уларнинг қилмишидан таажубога тушасан, шунинг баробарида тақдирига ачинасан ҳам. Ахир айни пайтда улардан ўқиб, билим олишдан бошқа нима ҳам талаб қилинади? Эрталабки нонхустаси тайёр бўлса, кийимкечаги ювилиб, дазмолланган бўлса, ҳеч ким "ўқишингни йиғиштир, ишла, пул топ", демаётган, фақат "ўқи", деб талаб қўяётган бир паллада улар ҳаммасига орқа ўгириб, ота-она-у устозларининг юзига оёқ қўйишди. Келажаги порлоқ бўлиши учун ўқиб-изланиб, бирор касб-корнинг эгалигини тутуши лозим бўлган бир пайтда, ёшлик гайратини шижоатини берорчи нарсаларга сарф этиб, безорилик, зўравонлик каби иллатлар домига илинишди.

Уларнинг ота-оналари-чи? Ахир кечгагина "ўғил қўрдим, меросхўрим тугилди", дея дўст-ў ёронларига дастурхон ёзган отанинг бугун боши эгик. Кечалари алла айтиб, боғча-у мактабларга етаклаб олиб-келиб юрган ўғлининг бугун бўйи ўзидан анча баянд эканини кўриб, аллақачонлар қиз қидиришга тушган онаизорнинг дили вайрон.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, соғлом ва ақл-заковатли баркамол авлодни вояга етказиш, унинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига эришиш нафақат ота-онанинг орзуси, балки жамиятнинг ҳам мақсад-муддаосидир. Шундай экан, фарзанд тарбияси борасидаги сайё-ҳаракатларни янада кучайтириш бугуннинг долзарб вазифалари сирасига қиради. Зеро, ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук авлодгина Ватан тақдирига дахлдорлик масъулиятини ҳис этиб, келажаги буюк давлат барпо этишга қодир бўлади.

ИҚТИСОДИЁТНИ ЮКСАЛТИРУВЧИ МУҲИМ ОМИЛ

Эркинжон ҒОҒУРОВ,
Қўқон шаҳар прокурори

Мамакатимиз иқтисодиётини либераллаштириш, бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кенг қулоч ёймоқда.

Сўнгги йилларда қабул қилинган хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг, тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги кафолатлари, тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари, онлайин тадбиркорлик, рақобат тўғрисидаги ва бошқа хусусий мулк мавқеини ошириш ҳамда уни ҳимоя қилиш, бизнес билан шугулланиш шароитларини янада яхшилашга қаратилган қонунлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги нуфузи юксалиб боришини таъминламоқда.

Президентимизнинг "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ишбилармонликни рағбатлантириш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини изчил ошириб бориш учун янада қулай ҳуқуқий, иқтисодий шарт-шароитларни ҳавола этди.

Ушбу фармонга мувофиқ, тўртта асосий йўналишлар бўйича жорий йилда амалга оширилмайдиган ўттиз учта аниқ чора-тадбирлардан иборат комплекс дастур тасдиқланган. Фаолиятни йўлга қўйиш тартибини янада соддалаштириш, маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш ҳисобидан тадбиркорликка янада кенг эркинлик беришга алоҳида эътибор қартилган.

Дастурда суд органларининг хусусий тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ролини кучайтириш назарда тутилган. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари солиқ ва боғнона қонунчилигини бузганлик муносабати билан уларнинг мулкни мусодара қилиш, тўловчи томо-

ва ҳисобга қўйиш Ўзбекистон Республикаси интерфаол давлат хизматлари Ягона порталига интеграция қилинган интернет тармоғида автоматлаштирилган давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйиш тизими орқали 24 соат мобайнида узлуксиз амалга оширилади.

Фармон билан тасдиқланган чора-тадбирлар Дастурда ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни янада тартибга солиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятига тўсиқлик қилингани ва ноқонуний аралашилгани, хусусий мулкдорлар ҳуқуқлари бузилгани учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг жавобгарлигини ошириш, жумладан, жинорий жавобгарликни жорий этиш ўта муҳим аҳамият касб этувчи вазифа сифатида белгиланган.

Тадбиркорлик фаолиятига тўсиқлик қилингани ва ноқонуний аралашилгани учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш кўзда тутилган. Чунончи, ҳўжалик юритувчи субъектлар молиявий-ҳўжалик фаолияти бўйича текшириш ва тафтиш ўтказиш тартибини, давлат хизматлари кўрсатиш тартибини бузганлик, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ва уларнинг банк ҳисобварақлари бўйича амалиётларини ноқонуний тўхтатиб қўйганлик, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларидаги мавжуд пул маблағлари тўғрисида ахборотни асоссиз равишда талаб қилганлик, уларни хайрига ишлари ва пул маблағлари ажратиш билан боғлиқ бошқа тадбирларга мажбурий жалб қилганлик учун маъмурий жавобгарлик чоралари кучайтирилади. Тадбир-

корлик фаолияти эркинлигини ҳимоя қилишга оид қонунчиликни кўп мартаба бузган мансабдор шахслар жинорий жавобгарликка тортилди.

Шаҳар прокуратураси томонидан тадбиркорлар билан бевосита мулоқотларда Президент фармонлари, қонун ва қонунности ҳўжатларининг мазмун-моҳияти атрофлича шарҳлаб берилмоқда. Айни чоғда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга оид қонунчилик ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадбиркорлар зиммасига қонунга зид мажбуриятларни юклат ҳолатлари бартараф этилмоқда. Хусусан, шаҳар ҳокимининг қарори билан тадбиркор Б.Ҳасановга Чархий кўчасидаги бўш ер майдонига энгил типдаги савдо шохбаси қурилишига рухсат берилиб, унинг зиммасига тавсия этилган дизайн асосида ёриткичлар ўрнатиш мажбурияти юклатилган. Ҳолбуки, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 21 ва 34-моддаларида тадбиркорлар ўз пул маблағларини мустақил равишда тасарруф этишлари, давлат органлари бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахсларини тадбиркорлик субъектларининг қонун ҳўжатларига мувофиқ амалга оширадиган фаолиятига аралашшига ҳақли эмасликлари қайд этилган. Ушбу қонун талабидан келиб чиқиб, шаҳар ҳокими қарорининг ёриткичлар ўрнатишга оид 3-банди ҳамда яна бешта қарорларида аниқланган юқоридаги қонунбузилиши ҳолатларига нисбатан протест келтирилди.

Тадбиркорлар учун ташкил этилган очиқ эшиклар кунда "Қўқон Ромео пойфазали" қорхонаси раҳбари Қ.Ғозилов-

нинг мурожаати ўрганилиб, банк томонидан 7 млн. 500 минг сўм кредит ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Ғуқаро А.Алиевнинг шаҳар ҳокими қарорига асосан ажратилган ер майдони кўрсатиб берилмаётганидан норози бўлиб ёзган аризаси ўрганилганда, икки қаватли савдо дўкони қуриш кўзда тутилган ер майдонига Ғуқаро Т.Қориев ўзбошимчалик билан дўкон ўрнатиб олгани аниқланган. Ноқонуний ўрнатилган савдо дўкони олиб ташланиб, ер майдонининг тадбиркор А.Алиевга топширилиши таъминланди.

Шаҳар ҳокимлиги ҳузурдаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси фаолиятига ҳам айрим қонунбузилиши ҳолатлари аниқланди. Чунончи, давлат рўйхатида олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби белгиланган Низом талабига зид равишда давлат рўйхатидан ўтказилаётган "Савдо завқи" МЧЖнинг раҳбаридан ортиқча ҳўжат олинган. Бунга йўл қўйган инспекция бошлиғи маъмурий жавобгарликка тортилди.

Юқоридаги каби қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш мобайнида 17 та тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва устав жамғармаларини шакллантирмаган қорхоналарни тугатиш бўйича ҳокимлик ҳузурдаги комиссия фаолияти хар ойда ўрганиб борилаётган. Фаолиятни тўхтатган ва тугатган тадбиркорлар билан очик мулоқотлар ташкил этилмоқда. Ишламаётганларининг асл сабаблари ўрганилиб, мутасадди идоралар билан ҳамкорликда фаолиятларини тиклаш чоралари кўрилмоқда.

Республика Президенти фармони ижросини таъминлаш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун янада қулай шароитлар яратиш, бизнес муҳитини яхшилаш, мамлакат иқтисодиётига инвестицияларни янада кенг жалб қилиш, янги иш ўринлари яратиш, пировардида халқимиз фаровонлигини юксалтириш имконини беради.

Бугунги кунда гиёҳвандлик муаммосининг мавжудлиги, гиёҳванд моддалар савдоси натижасида топилган жинорий даромадлар трансмилий уюшган жинорий гуруҳ аъзолари томонидан бошқа давлатларга терроризмни молиялаштириш мақсадида юборилаётганиги бу турдаги жиноятларга қарши халқаро ҳамкорликка курашишни тақозо қилмоқда.

Ушбу йўналишда республикамизда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси БШ прокуратураси ҳузурдаги СВОЖДЛҚК департаменти ва АҚШ Адлия вазирлигининг Гиёҳвандликка қарши курашиш бошқармаси ўртасида Узаро ҳамкорлик Меморандумининг (2014 йил 27 август, Вашингтон, АҚШ) имзолангани бунинг амалий ифодасидир. Ушбу Меморандум доирасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги департамент вакилларининг АҚШ Адлия

Халқаро ҳамкорлик

вазирлиги Гиёҳвандликка қарши курашиш бошқармасининг ҳудудий тезкор бўлимига танишув ташрифлари ҳамда АҚШ Адлия вазирлиги Гиёҳвандликка қарши курашиш бошқармасининг мутахассислари иштирокида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўқув семинарлари ташкил этилди.

Жумладан, жорий йилнинг 25 апрел — 7 май кунлари Бош прокуратура ҳузурдаги департамент вакиллари АҚШ Адлия вазирлиги Гиёҳвандликка қарши курашиш бошқармасининг Чикаго тезкор бўлимига ташриф буришди. Ташриф давомида вакилларимиз Чикаго тезкор бўлимига ҳамда унинг таркибидаги Спрингфилд ва Мерриллвилл тезкор бўлими малакани таркибий тузилиши, асосий функция ва вазифалари ҳамда уларни амалга ошириш механизмлари, жиноятчи-

Сардор ИКРАМОВ,

Бош прокуратура ҳузурдаги СВОЖДЛҚК департаментининг бўлими катта инспектори

ликка, хусусан, гиёҳванд моддалар савдоси фаолиятидан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш масалалари юзасидан бугунги кунда амалга оширилаётган ишлар, қурилаётган чоралар ва истиқболдаги режалар билан танишди.

Шунингдек, АҚШ Адлия вазирлиги Гиёҳвандликка қарши курашиш бошқармаси мутахассисларини жалб қилган ҳолда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ташкил этилган ўқув семинарларида "Молиявий жиноятларни тергов қилиш усуллари" ва "Ҳорижий мол-мулкларни мусодара қилиш" мавзулари ҳамда ушбу мавзуларга тегишли бўлган назарий ва амалий масала-

лар, жумладан, гиёҳвандлик, гиёҳванд моддалар савдосидан олинган даромадлар, нақд пул қўринишига эга бўлган ушбу даромадларни қонуний бизнес фаолиятига киритиш йўли билан легаллаштиришга қаратилган ҳаракатлар, мазкур ҳолатларни аниқлашнинг усул ва услублари, жинорий даромадларни аниқлаш, ашёвий далил сифатида олиш ва мусодара қилиш жараёнлари каби масалалар кўриб чиқилди.

Ушбу ўқув семинарларида республикамиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг 80 нафар ходими иштирок этди ва улар семинарлар якуни бўйича тегишли сертификатлар билан тақдирланди.

Юқорида қайд этилган танишув ташрифлари ва ўқув семинарлари ходимларининг жиноятчиликка, хусусан, гиёҳвандлик ва гиёҳванд моддалар савдосидан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳасидаги билим-савияларини мустаҳкамлашга ва Узаро тажриба алмашишга хизмат қилади.

Тун қўйнидаги «ташриф»

Жорий йилнинг июнь ойида жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоятининг Қибрай туман судида қўрилган жиноят иши юзасидан айбланувчи сифатида қатнашган кимсаларнинг барчаси эс-хуши, аксариятининг маълумоти ўрта, икки нафариники ўрта-маҳсус, бир нафари ҳатто олий маълумоти эди. Афсусланарли жиҳати, уларнинг икки нафари Тошкент шаҳрида туғилган ака-ука бўлиб, бири муқаддам икки марта, иккинчиси эса тўрт марта судланган. Бундан-да ачинарлиси эса, судланувчилар сафида аёл кишининг ҳам борлигидир.



Тоҳир ХУСАНОВ,
Бош прокуратура бошқарма
бошлигининг ўринбосари

Суд материалларидан кўринадики, ака-уканинг кичиги Баҳодир Сиддиқов озодликдан маҳрум этилиш нима эканлигини муқаддам икки марта бошидан ўтказган бўлса-да, тавба қилмаган экан. Судланиш борасида укасидан икки марта илгарилаб кетган акаси Улуғбек Сиддиқовга "суяган" Баҳодир хорижий жангари фильмлари кўп кўрган бўлса керак, уларга ҳавас қилиб жиний гуруҳ тузади.

Гуруҳ тузишдан мақсад битта: у ҳам бўлса ўғирлик, талончилик ҳамда босқинчилик йўли билан бойлик орттириш эди. Тошкент вилоятида туғилган Марат Эргашев, Темур Уринбоев, Диана Аҳмедова, Улуғбек Юсупжонов ҳамда Мирсардор Мирҳайитовдан иборат жиний гуруҳ аъзолари қилмишларининг оқибатини ўйлаб ҳам кўрмай, кўр-кўрона Баҳодир Сиддиқовга эргашадилар.

Жиний гуруҳнинг "юрishi" 2012 йилнинг 20 сентябрида бошланади. Ўша кун Юнусобод тумани Мирза-аҳмедов кўчасида жойлашган уйлардан бирига ярим тунда "ташриф" буюрган кимсалар меҳмонхонадан 2 млн. 400 минг сўм пулни ёнларига уриб чиқиб кетишади.

11 октябр кун эса Олмазор туманидаги Мойсардо маҳалласида пайдо бўлган тунги шарпалар хонадонлардан бирига кириб, "Erica" русумли автомашинанинг эшиклари кулфланмаганлигидан фойдаланиб, салондан 150 АҚШ доллари ҳамда 50 минг сўм пулни олиб, ғойиб бўладилар. Бу пулни зумда "ҳазм" қилиб юборганликлари боис, орадан уч кун ўтиб, яна "ов"га отланадилар. Бу сафар Шайхонтоҳур тумани Алп Жамол кўчасидаги уйлардан бирига яширин тарзда кириб келишди-да, бу ердан 450 АҚШ долларлик "Богемия" шишасидан ясалган вазалар, 600 АҚШ долларлик планшет, спорт кийимлари, эркаклар костюм-шани каби 5 млн. 617 минг сўмликдан ошқроқ нархдаги буюмларни ўзлаштиришади.

Орадан икки ҳафтага яқин вақт ўтгач, Учтепа туманидаги уйлардан бирига ғайриқонуний тарзда кириб келган тунги шарпалар хонадон эгасининг 4 млн. 662 минг сўмлик буюмларини ўғирлаб кетишади.

10 ноябрь кун эса Олмазор тумани Бирлик кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро эрталаб уйқудан уйғонганда жами баҳоси 14 млн. сўмлик тилла буюмлари йўқонганидан хабар топиб, бошини чангаллаб қолади. Жиний гуруҳнинг тунги "юрishi"

доим ҳам силлиқ кечавермайди. 24 ноябрда Миробод туманидаги хонадонда жиддий қаршиликка учраб, темир жисм ёрдамида ўзларини ҳимоя қилишади ва қийинчилик билан 3 млн. сўм пулни қўлга кириштириб, ғойиб бўлишади.

2013 йилда гуруҳ аъзолари Тошкент вилояти бўйлаб "сафар"га чиқишади. Май ойи ўрталарида Зангиота тумани А.Ясавий қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи фуқаро баҳоси 1,5 млн. ошқроқ нархдаги буюмларидан ажралган бўлса, кўп ўтмай шу туманининг Юнусобод ҚФЙда яшовчи бошқа бир фуқаронинг 1 млн. 600 минг сўмлик буюмлари янги эгасининг қўлига ўтади.

Август ойида шу туманининг Қизғалдоқ ҚФЙда яшовчи фуқаро эрталаб уйғонганида машинасининг ойна ва эшикларини кулфламаганидан пушаймон бўлади. Ахир ярим тунда "қадам ранжида қилганлар" нафақат уйдаги 4 млн. сўмлик буюмлар, балки автомашинадаги 2 млн. сўм пулни ҳам олиб кетган эдилар-да!

15 декабрда эса Чигатоё-Оқтепа ҚФЙ фуқаросининг уйидаги бир автомашина салонидан 1 млн. 420 минг сўм, иккинчи автомашинадан 80 минг сўм пул ҳамда ҳовлидан турли хўжалик буюмларини ўмариб, хонадон эгасига 6 млн. сўм миқдоридан зарар етказишади.

2014 йил жиний гуруҳ аъзолари учун анча "омад"ли келади. Бўлма-сам-чи, ахир Зангиота тумани Қизғалдоқ ҚФЙ йиғинга қилинган навбатдаги "юрishi"лари натижасида хонадон эгасининг телевизор, компьютер жамланмаси, видеокамералар, уяли телефон аппаратлари каби салкам 22 млн. сўмлик буюмларини қўлга киритадилар.

25 февраль ярим тунда эса туманининг Қатартол ҚФЙда жойлашган хонадонга яна яширинча кириб, 41 млн. 400 минг сўм миқдоридан нақд пул ҳамда буюмларни ўмаришади. "Қўйни-ю-қўнжи" тўлиб, ортга қайтаётган гуруҳ аъзоларига ўмарган нарсалари камлик қилади, шекилли, йўл-йўлакай Олмазор туманидаги Шифокорлар кўчасига кириб ўтишга қарор қиладилар. Қарабсизки, бу ерда жойлашган уйлардан бирига кириб кетган гуруҳ аъзолари кўп ўтмай, 3 млн. сўмликдан зиёдрок буюмларни кўтариб чиқиб, машинага юклашади...

Март ойининг охирида Зангиота туманилик яна бир фуқаро умумий ҳисобда 15 млн. сўмлик буюмларидан ажралади.

Айтмоқчи, шу орада Б.Сиддиқов қўлга олинади. Аммо уддасидан чиқиб, гумон қилинувчилар ва айбланувчилар махсус автомашинага чиқарилаётган пайтда қочишга муваффақ бўлади. Шунинг баробарида, М.Мирҳайитов ҳамда Т.Уринбоевларнинг қизиқтиришлари туфайли қидирувда эканлигини назар-писанд қилмай, орадан икки ҳафта ўтар-ўтмас ярим тунда шерикларини Олмазор туманига бошлаб келади. Бу ердаги хонадонлардан бирига ғайриқонуний равишда кирган гуруҳ аъзолари гараждаги "Captiva" русумли автомашинани ҳайдаб чиқишади. Йўл-йўлакай машина эгасининг салондан топишган паспорти ҳамда бошқа хужжатларни нобуд қилишади. Бу билан эса автомашина эгасига 91 млн. сўмликдан ошқроқ моддий зарар етказишади.

7 июнь кун тунги шарпалар Юнусобод тумани Азим-тепа кўчасига кириб келишади. Машинани кўздан панароқ жойга қўйиб, мўлжалдаги хонадонга ғайриқонуний тарзда кириб олган, "иш"га киришишади. Натижада, 17 млн. 100 минг сўмдан ташқари, уяли телефон, қўл соати, турли сумкалар каби буюмларни олиб, уй эгасига салкам 20 млн. сўмлик зарар келтиришади.

Орадан бир ҳафтача фурсат ўтиб эса чирчиқлик яна бир фуқаро тунги шарпаларнинг "ташрифи"дан азият чекади. Тунги шарпаларнинг унинг уйига "бирров" кириб чиқиши натижасида, хонадон эгаси 12 млн. 595 минг сўмлик буюмларидан айрилиб қолади. Чирчиқ шаҳридаги навбатдаги "ўлжа" эса охир-оқибат 6 млн. 315 минг сўмлик буюмларига қуйиб қолаверади.

Июнь ойининг охирида тун яримлаганида Б.Сиддиқов шерикларини Чилонзор туманига бошлади. Қарабсизки, зумда 5 млн. 228 минг сўмлик буюмлар уларнинг машинасидан ўрин эгаллайди. Эртаси кун эса Юнусобод туманидаги уйлардан бирига кириб, бу сафар бор-йўғи 100 минг сўм пул топишади-да, бу билан қаноатланмай, яна "ўлжа" қидиришга киришишади. Мирзо Улуғбек тумани Оққўрғон маҳалласида жойлашган уйлардан бирига кириб, 5 млн. 812 минг сўмлик буюмларни ўмариб чиққачгина, нафслари ором олгандек бўлади.

Икки кундан кейин яна Чирчиқ шаҳрига йўл олган гуруҳ аъзолари кўп ўтмай 6 млн. 500 минг сўмлик буюмлар билан ортга қайтишади.

Бир ҳафтага яқин дам олгач, жиний шериклар Фазалкент шаҳри томон

йўл олишади. Бу ердаги масъулияти чекланган жамият омборига кириб, охир-оқибат МЧЖга 10 млн. 637 минг сўмлик зарар етказишади.

9 июль кун эса Фазалкент шаҳрида жойлашган яна бир МЧЖнинг савдо дўконига кириб, 300 минг сўмлик дрелни олиб чиқиб кетишади. Йўлда кетаётиб, рўпараларидан чиққан бошқа бир МЧЖ биноси ёнида машинани тўхта-тишади-да, ичкарига кириб, 400 минг сўмлик компьютер процессори билан бир фуқарога тегишли 200 минг сўмни олиб чиқиб кетишади.

10 кунлик "танафус"дан кейин "иш"га чиққан "ов"чилар Тошкент вилояти Янгийўл туманига кириб келишади. Бу ердаги хонадонлардан биридан жами баҳоси 42 млн. 100 минг сўмлик уяли телефон ва турли хилдаги тилла буюмларни қўлга кириштириб, жуфтакни ростлашади.

9 август кун эса... Баҳодир Сиддиқов билан Марат Эргашев ҳе-йўқ, бе-йўқ, Олмазор туманидаги хонадонлардан биридан ўғирлаб чиқилган "Captiva" русумли автомашинани ёқиб юборишади.

Шу куннинг ўзида Тошкент вилоятининг Бўстонлик тумани Товоқсой кўрғонига навбатдаги "ўлжа" ниятида кириб келган гуруҳнинг бу сафарги режалари ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра амалга ошмайди. Шу сабабли эртаси кун яна шу ерга келишади. Аммо Б.Сиддиқовнинг хатти-ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ИИБга қарашли қоровул қўшинлари ҳарбий қисми ўқчи батальон гуруҳ командири ҳамда унинг таъминот бўйича ёрдамчисига шубҳа уйғотади. Улар Б.Сиддиқовнинг шахсини аниқлашни мақсад қилишган пайтда эса Б.Сиддиқов тўсатдан қаршилик кўрсатиб, ёнида бўлган пичоқ билан ҳамла қилади ва уларга жиддий жароҳат етказишади. Ўзи эса қочишга муваффақ бўлади.

Буни қарангки, Б.Сиддиқов содир этган шунча қилмишлари камлик қилганидек, инсон ҳаётига таъвоуз қилишдек жиноятга ҳам қўл уради-ю, ҳеч нарса бўлмагандек, 16 август кун яна шерикларини "иш"га бошлаб чиқади. Бу сафар ҳам уларнинг кўнгли "Captiva" русумли автомашинага сушт кетади ва ўзаро келишиб, Зангиота тумани Қизғалдоқ ҚФЙ худудидаги уйлардан бирининг ҳовлисида турган автомашинани ҳамда бошқа турдаги турли буюмларни ўғирлаб чиқиб, хонадон эгасига 72 млн. 626 минг сўмлик моддий зарар етказадилар. Автомашинанинг давлат рақамини эса нобуд қиладилар. Шу хонадон эгасининг "Erica" русумли автомашинаси ҳам уларнинг назаридан четда қолмайди...

Хуллас, ҳар бир ишининг ибтидоси бўлганидек, интиҳоси ҳам бўлади. Тунги шарпаларнинг тундаги "юрishi"ларида ниҳоят ҳеч қўйилди. Суд томонидан барча ҳолатлар батафсил ўрганиб чиқилди. Жиний гуруҳ аъзоларига қилмишларига яраша турли мурдатларга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Шунингдек, ака-ука Баҳодир ва Улуғбек Сиддиқовлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 34-моддасига асосан ўта хавfli рецидивист дея топилди, уларнинг ҳар бири тайинланган жазонинг 3 йилни турмада ўташи, бундан ташқари, судланувчилардан жабранувчиларнинг фойдасига етказилган зарарларни солидар тартибда ундириш ҳам белгиланди.

Пули тўланмаган «Malibu»

Маъруф РЎЗИЕВ,
Оқдарё туман прокурорининг
ёрдамчиси



Жасурбек ва Дилшод ўзаро суҳбатлашиб қолишди:

— Ҳозир нима кўп, тўй кўп, битта яхши машина бўлса, тўйларда ижарага юрсанг, яхшигина пул топсанг бўлади, — деди Жасурбек.

— Тўғри, «Kartiva» ёки «Malibu» бўлсайди, зўр бўларди, пул дегани оқиб келарди, — ширин хаёлларга берилди Дилшод ҳам.

— Айтганча, сен илгари автосалондан машина олгансан-а, — деди ниманидир режа қилган Жасурбек. Дилшоднинг тасдиғини олгач давом этди. — Менда бир режа бор. Шунини амалга ошира олсан, пулини тўламадан машина оламиз.

— Қандай қилиб? Ўйлаб гапирасизми? — деди Дилшод.

— Сен мен айтгандай қилавер, хурсанд бўласан. Эрталаб автосалонга бориб машиналарни кўр. Нархи, ранги дегандай, — дея режасидан фахрланиб кетди Жасурбек.

Дилшод эртасига автосалонга борди. Унга «Kartiva» машинаси маъқул бўлиб, нархига қизиқди. Сўнг Жасурбекка кўнғироқ қилди.

— «Kartiva» бор экан, нархи 92 миллион. Нима қиламиз? — деди Қондағи ма-

шиналарни кузатар экан Дилшод.

— Металика бўлмайди, тўйга миномлайсан. Қора ёки оқ бўлса бошқача эди. Яна кўргин, вариантлар бордир, — дея унга фикр билдирди Жасурбек.

Дилшоднинг эътиборини салонда турган оқ «Malibu» тортди. Автосалон хизматчиси Ферузга яқинлашиб шу машинани олмоқчи эканлигини айтди. Феруз унга ҳужжатларни ёзиб, тўловни банкка бориб амалга оширишни тушунтирди.

Дилшодни банкнинг ёнида Жасурбек кутиб турарди. У ҳужжатларни олиб банкка кириб кетди. «Машинага тўлов қилаяпман», деб ҳисобчига имзо қўйдирди ва рўйхатдан ўтказди. «Кассага бориб пулни тўланг», деди ҳисобчи. Жасурбек эса кассага бормади. Ташқарига чиқиб кетди.

— Кетдик, — деди Жасурбек уни кутиб турган Дилшодга. — Энди тўлов квантицияларини тайёрлашимиз керак.

Улар Дилшоднинг квартирасига келиб, олдиндан тайёрлаб қўйилган муҳрни квантицияга босишди. «Тўланди» деб сохта имзо қўйишди. Сўнг автосалонга бориб «Malibu» машинасини олиб кетишди.

Орадан бироз ўтиб, банкдан Ферузга кўнғироқ бўлди.

— Боя бир киши машина оламан, деганди, тўловни амалга оширмай кетиб қолибди, сизнинг ёнингизга бормадимми?! — деди банк ходими. — «Malibu» ни айтаясизми? Уни олиб кетишди-ку, — деди кўзларини катта-катта очиб Феруз.

— Нима деясиз?! Тўлов бўлмадан қанақаси?! — хавотирланди банк ходими.

Хуллас, ўзаро текширувдан маълум бўлдики, машинанинг тўлови амалга оширилмаган экан. Автосалон ҳамда банк ходимлари бу ишга аниқлик киритиб, фибригарлик содир бўлганини тушунишди.

Бу пайтда Жасурбек ва Дилшод янги «Malibu» да шаҳар кўчаларини айланиб юришарди.

— Ака, бир келиб кетасизми? Машинанинг ҳужжатларида айрим камчиликлар бор экан, тўғрилик олайлик, — деди Жасурбекка кўнғироқ қилиб Феруз.

Фибригарлар автосалонга келишди. Бу ерда банкдан келган вакил ва ички ишлар ходимлари кутиб туришарди. Ҳужжатлар яна бир бор кўздан кечирилди. Мухр ва имзолар сохталаштирилганлиги ойдинлашди. Машина автосалонга қайтарилди.

Суд эса Жасурбек Жўраев ва Дилшод Бекмуродовга айбига яраша жазо тайинлаб, ҳукм чиқарди.

Тўрт нафар фарзанднинг онаси Малика Зокирова қўлма бироқ хунари бўлмагани учун иш топишга қийналади. Қунларнинг бирида қўшниси Шаҳноза Ҳасанованинг кафеси ишламаётганини эшитди. Ва тезда қўшнисига учрашди. «Кафенгизни ишлаتماётган бўсангиз, уни мен ишлатсам, ижара пулини ҳам келишиб оламиз», дея Ш.Ҳасановага юзланди.

Ўғирликка қўл урган аёл

Файрат САНАКУЛОВ,
Жиззах вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Кўшнисининг таклифи Шаҳнозага маъқул бўлди. Ойига 1 млн. сўм ижара ҳақига келишиб, кафенинг калитини Малика олиб кетди.

Орадан икки ой ўтди. Кафе ишлаб турди, бироқ ижара ҳақидан дарак бўлмади. Бу муаммони ҳал этиш учун кафе эгаси М.Зокировага учраганидан ундан ҳўяли жавоб ололмади. Шундан сўнг Шаҳноза кафени олиб қўйди.

Авал ҳам судланди, амнистия қарорига мувофиқ жазодан қутулиб қолган Малика ўтмишдаги хатосидан сабоқ олмаган экан. У нусха олиб қолган калит орқали ярим тунда кафега кирди. Бу ердан умумий ҳисобда 18 млн. 143 минг сўмлик мол-мулкларни ўғирлаб чиқиб кетди.


Қўлга киритилган жиҳозларнинг бир қисмини уйда қолдириб, қолганини сотиб юборди.

Бу ишлар ошқор бўлмаганидан кўнгли тўлган М.Зокирова иккинчи жиноятни амалга ошириш учун режа тузди. У ун сотувчи фуқаро А.Яҳёевнинг олдига бориб, унга 10 тонна ун кераклигини, топиб берса, ҳар қолига 62 минг 500 сўм дан беришини айтди.

Ун сотувчи эртасига айтилган унни келтириб берди. Малика унга 1 млн. 750 минг сўм бериб, қолганини яқин кунларда тўғрилаб беришини тушунтирди. Айтилган вақтда яна 1 млн. сўм келтириб берди. Қолган 6 млн. 400 минг сўмини эса беришни «унутди».

Маликанинг бундай қинғирликлари узокқа чўзилмади. Жабрланувчилар унинг устидан тегишли жойга арз қилишди.

Суд ҳукми билан Малика Зокирова уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилди. Шунингдек, жабрланувчиларга етказилган зарар ундириладиган бўлди.



Қарши туманидаги қишлоқлардан бирида содир бўлган ушбу воқеадан хабар топган одамлар «ориятлар» йигитларнинг қонунга эид ишаридан кулишни ҳам, куйинишни ҳам билмай қолишди. Чунки қиз шаънини ҳимоя қилишга бел боғлаган йигитлар асида бошқа ниятда эканликларини фош этиб қўйишди.

Ўзбек йигитларига хос бўлган ғурур, орият тўйғуларни жуда қадрланади. Аммо номул ва ғурурнинг ҳимояси тамадан, шунчаки кўзбўямачиликдан холи бўлгандагина ҳимоячига обрў келтиради. Ҳақиқий ориятли йигит эса ўзганин ожиз ҳолатидан фойдаланиб иш тутмайди.

Судланувчи Рустам Худойназаров ёз кунларининг бирида ҳовлисидаги юмушлар билан банд бўлиб юраркан, уни йўқлаб, қишлоқдоши Илҳом Қувондиқов кириб келди ва ундан далага бирга бориб келишини сўради. Икковлон «Lacetti» русумли автомашинада дала томон йўл олишди. Қишлоқ мактабининг ёнидан ўтаётганларида қишлоқдошлари Ботир Алланазаров ва Бехзод Бойиров гаплашиб турганини кўриб, уларга бош ирғаб салом беришди-да, йўлда давом этишди. Далага яқинлашибганда қишлоқ томон кетаётган «Matiz» автомашинаси йигитларнинг диққатини тортди. Машинани вояга етмаган, шу қишлоқда яшовчи Ўлмас бошқариб келарди.

Илҳом орқа ўриндикда ўтирган қизни кўриб, қимлигини билиш мақсадида машинасини ортага бурди ва Ўлмасга тўхташ ишорасини

Ниятлари бошқа экан

Мусо ШАРИПОВ,
Миришкор туман прокурорининг
катта ёрдамчиси

қилди. Машина секинлашгач, Илҳом Ўлмасдан қизнинг қимлигини ва нима қилиб юрганини суриштира бошлади. Ўлмас унинг саволига «Нима ишингиз бор?» дея жавоб берган эди, бу Илҳомнинг ҳамиятига тегиб, уни уришга чоғланди. Аммо Ўлмас машинани юргизиб, қочиб кетди. Илҳом машинасига ўтириб, уларни қувишга тушди. Рустам эса мактаб олдида турган Ботирга кўнғироқ қилиб, улар томон «Matiz» автомашинаси кетаётганини, ичида бир қиз борлигини, уларнинг йўлини тўсиб тўхтатишни сўради. Шу вақт Ўлмаснинг машинаси Ботирнинг олдида ўтиб кетди.

Ботир шу заҳоти «BA3-2106» автомашинасида Бехзод билан бирга «қочок»ларни таъбиқ қила бошлади. Кўп ўтмай «Lacetti» Ўлмасга етиб олиб, йўл четидан тўхтади. Илҳом билан Рустам машинадан тушиб, йигитчани ура

бошлашди. Бу орада етиб келган Ботир ва Бехзод ҳам қараб туришмади. Улар ҳам Ўлмаснинг ёқасидан олиб, тепишга тушдилар. Шу пайт Илҳом бу масалани маҳалла идорасида, уларнинг ота-оналари иштирокида кўриб чиқиш таклифини айтди. Бошқалар таклифи маъқуллаб, Ўлмасга қиз билан маҳалла идорасига бориши кераклигини айтишди. Ўлмас таклифга рози бўлди.

Бироз юришгач, олдиндаги машина тўхтади ва Илҳом Ўлмасни ёнига қаққириб, унга маҳаллага бормади, шу ернинг ўзида келишиб олишни таклиф қилди. Агар айтган пулни берса, «ёпиглик қозон ёпиглигича қолишни», кўнмаса қизни ва уни бутун маҳаллага шарманда қилишини айтиб, нўписса қилди. Ўлмасдан 200 минг сўм пул сўраб, товламачилик қила бошлади. Қолганлар унинг сўзларини тасдиқлашди.

Ўлмас ночор аҳволда қолди. Шартга кўнаи деса, бирор ёмон иш қилгани йўқ. Шунчаки қишлоқдош қизни йўл-йўлакай уйига ташлаб қўйиш учун машинасига миндирган. Кўнмай деса, бир бечора қизнинг номи ёмонотлиқ бўлиши мумкин. Шу хаёллар билан 200 минг сўм эвазига Илҳомга қўлидаги телефонини бермоқчи бўлди. Аммо йигитлар бунга рози бўлишмади.

Ўлмас ноилоҳ қолиб, машинасидаги 20 минг сўм пулни Илҳомга узат-

ди ва қолганини ҳам келтириб беришни ваъда қилди. Илҳом пулнинг қолганини олиб келгунича унинг телефонини гаров сифатида олиб қолди.

Бехзод эса Ўлмаснинг қочиб қолишдан чўчиб, унга эргашди. Ўлмас далада ишлаётган танишидан 80 минг сўм қарз олиб, товламачиларга олиб келиб берди. Илҳом пулни олар экан, йигитчага бундан кейин қишлоққа «патент» тўлаб киришини, агар пул берганини бировга гуллайдиган бўлса, оқибати яхшилик билан тугамаслигини кистириб ўтди ва тўрт зуравон пулни тенг бўлиб ўз йўлларига кетишди.

Уйига қайтгач, калтак зарбидан Ўлмаснинг аҳволи ёмонлаша бошлади. Йигитлик ғурури йўл бермагани учун бўлган воқеани оила аъзоларига билдирмади. Аммо соғлиғидаги ўзгаришлар ота-онасини ҳўшёр торттириб, уни бор гапни айтишга мажбур қилишди.

Ёши 30 га бориб, оқ билан қорани, яхши қолган ёмонни ажратадиган бўлиб қолган йигитларнинг бу ишини оқлаб бўлмасди. Бир қишлоқда яшаб туриб ёшгина йигитчага куч ишлатган, ўзларини гўё номул ҳимоячисидек тутган йигитларга қилишлари учун қонун олдида жавоб беришга тўғри келди.

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг ҳукми билан Рустам Худойназаров, Илҳом Қувондиқов, Ботир Алланазаровларнинг ҳар бирига узил-кесил ушун 5 йил, Бехзод Боировга эса 2 йил-у 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.





«МЮ» Серхио Ромерони ўз сафига қўшиб олди

Англиянинг "Манчестер Юнайтед" клуби раҳбарияти Италиянинг "Сампдория" жамоасининг солиқ дарвозабони Серхио Ромеронинг трансферини расман тасдиқлади.

Англия клуби Аргентина терма жамоасининг 28 ёшли посбони билан 3 йиллик шартнома имзолади. Бу ҳақда жамоанинг расмий твиттер akkaунтида хабар берилди.

Келишувга кўра, шартнома яна бир йилга узайтирилиши мумкин. Ромеро эркин агент мақомида "МЮ" сафига келиб қўшилди.

Эслатиб ўтаамиз, ўтган мавсумда Ромеро "Сампдория" клуби таркибидан 11 та учрашувда майдонга тушиб, ўз дарвозасидан 24 та гол олиб чиққанди.



Гвардиола «Манчестер Сити»ни бошқаришга рози

Германиянинг "Бавария" клуби бош мураббийи Хосеп Гвардиола келаси йилнинг ёзида клубни тарк этади, деб ёзмада Sports.ru beIN SPORTS хабарига таяниб.

Маълумотларга қараганда, испаниялик мутахассис 2015-2016 йилги мавсум якунига етганидан кейин Англиянинг "Манчестер Сити" клубини қабул қилиб олишга розилик берган.

Шуни ҳам таъкидлаш мумкинки, 44 ёшли мураббийнинг Мюнхен клуби билан шартномаси 2016 йилнинг ёзида якунига етади.

Гвардиола "Бавария" клубини 2013-2014 йилги мавсумда қабул қилиб олган ва жамоа билан икки йил кетма-кет Бундеслига чемпионлигини қўлга киритди.



Рамос «Реал»да қолади

Мадриднинг "Реал" клуби ҳимоячиси Серхио Рамос клуб президенти Флорентино Перес билан учрашиб, келажаги борасида бир тўхтама келиб олгани хабар қилинмоқда.

Мадридликлар айти пайтда Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида мавсумга тайёргарлик кўришмоқда. Мана шу шаҳарда ўтган учрашувда Рамос клуб билан шартномасини узайтиришга розилик берган.

Рамоснинг сўзларига кўра, гап шартноманинг молиявий томонларида эмас. Шунчаки, футболчи ўзи севган жамоада унинг қадрига етишларини истаб, жамоадан кетиш ҳақида хабар қилган.

«Манчестер Сити» Игуаинни сотиб олмоқчи



"Манчестер Сити" клуби таркибининг яна бир ҳужумчиси билан кучайтиришмоқчи. "Шаҳарликлар" ижара асосида "Интер" клубига йўл оладиган Стефан Йоветич ўрнини "Наполи" жамоаси форварди Гонсало Игуаин билан тўлдирмоқчи.

"Манчестер Сити" клуби учун Игуаинни қўлга киритиш осон кечмайди. Чунки, неаполликлар клуби президенти Аурелио Де Лаурентис ҳужумчиси камида 62 млн. еврога сотишини маълум қилган.

Стадион гишти ўғирлаб кетилди

Лионель Мессининг икки ҳафта аввал Габонадаги стадионга қўйган рамзий маънадаги илк гиштини ўғирлаб кетишди. Аргентиналик юлдуз Габон давлати президенти Али бен Бонго Ондимбининг таклифига биноан ушбу мамлакатта ташриф буюрган ва Порт-Жантале шаҳридаги стадионга илк гиштини қўйган.



Айни пайтда полиция Мессининг қўли теккан "қимматбаҳо гишт"ни тунаб кетган ўғирларни кенг миқёсда қидирмоқда.

Мессининг ташрифи габонликлар томонидан турлича қабул қилинган эди. Айримлар бу ташрифни тарихий воқеаликка йўйган бўлса, баъзилар кўча кийимидан келган Мессидан бироз ранжиганди.

Дрогба энди Канада чемпионатида

Канада клуби "Монреаль Импакт" ҳужумчиси Дийе Дрогба билан шартнома имзолади.


Клуб расмий сайти 37 ёшли футболчини "Чикаго Файр" клубидан сотиб олганини, аниқроғи, Дрогбанинг аввалроқ Чикаго шаҳри клуби билан шартнома имзолагани, бироқ жамоанинг уни Канада клубига пуллаганини тасдиқлади, деб хабар бермоқда Football.ua.

Дидьеннинг янги жамоада канча маош олиши ҳозирча номаълум, аммо аввал унинг йилга 5 млн. евро олиши ҳақида хабарлар тарқалганди.

Эслатиб ўтаамиз, Дрогба футболчилик фаолияти давомида "Ле-Ман", "Генгам", "Марсель", "Челси", "Шанхай Шеньхуа" ва "Галатасарой" клубларида тўп сурган.



Ўзил «Реал»га қайтадимми?



Лондоннинг "Арсенал" клуби ҳамон ҳужум чизигини кучайтириш ҳаракатида. Айни дамда клубнинг асосий "нишони" Мадриднинг "Реал" клуби ҳужумчиси Карим Бензема бўлиб турибди. Мадридликлар француз ҳужумчисини "тўпчилар" таклиф этган 45 млн. еврога трансфер қилишни истамади.

Бироқ клуб бош мураббийи Арсен Венгер шаштидан қайтиш ниятида эмас. У астойдил Бенземани жамоасига қўшиб олишни хоҳляпти. Маълумотларга қараганда, мураббий Бенземани қўлга киритиш учун "Қироллик клуби"дан харид қилинган Месут Ўзилни Мадридга қайтариши ҳам мумкин.

«Барселона» Педрони сотиши мумкин

"Барселона" клубининг ҳужумкор ярим ҳимоячиси Педро Родригес фаолиятини "Манчестер Юнайтед"да давом эттиришга яқин турибди.

Клублар 27 ёшли футболчининг трансферини 32,5 млн. еврога келишиб олишди, дея хабар берилмоқда хориж ОАВларида. Трансферни тўла амалга ошириш учун айрим масалаларга оидинлик киритиб олиниши талаб этилади.


Авалроқ "МЮ" клуби Педрога "Челси"га нисбатан кўпроқ маош таклиф қилгани ҳақида хабарлар тарқалганди. Шунингдек, Педро Европа суперкубоги баҳсидан кейин манчестерликлар сафига қўшилиши кутилмоқда.

Куни кеча пайдо бўлган хабарларга кўра, Англия гранди Испания терма жамоаси футболчиси учун 32 млн. евродан кўп маблағ тўламоқчи эмас. Бу дегани Педро учун тоvon пули 30 миллионни ташкил қилади, қўшимча 2 миллион эса форвардинг "МЮ" сафидаги ўйинларда муваффақиятли иштироки учун тўланади.

Авалроқ каталонияликлар устози Луис Энрике ҳамда клуб раҳбариятининг Педрони қўйиб юбормоқчи эмаслиги хабар қилинган. Бу "Барселона"нинг ФИФА томонидан молиявий фэйр-плейга амалга қилмагани сабабли қўйилган билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Ўз навбатида Педро кўпроқ ўйин амалиётига эга бўлишни истапти.



«Ливерпуль» Балотеллини сотишга тайёр



Англиянинг "Ливерпуль" клуби италиялик ҳужумчиси Марио Балотеллининг сотувидаан 10 миллион евро ишлаб олмоқчи. Бу ҳақида футболчида даввогарлик қилаётган Италиянинг "Сампдория" клуби президенти Массимо Ферреро маълум қилди.

"Балотелли 10 миллион евро туради. Агар "Ливерпуль" нархни озгина пасайтирса, биз уни таркибимизда кўришдан хурсанд бўлардик", — дейди Ферреро.

Эслатиб ўтаамиз, мерсисайд клуби Мариони ўтган ёзда 20 миллион евро эвазига Италиянинг "Милан" клубидан сотиб олганди.

Интернет хабарлари асосида: Максудали КАМБАРОВ тайёрлади

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Наманган вилоят прокуратураси жамоаси Мингбулоқ туман прокурори Шухрат Қосимовга отаси **Совжон ҚОСИМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Наманган вилоят прокуратураси жамоаси Норин туман прокурори Баҳромжон Юлдашевга синглиси **Холисон ЮЛДАШЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таззия изҳор қилади.

Бош прокуратура ҳузурдаги СВОЖДЛКК департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси жамоаси департаментнинг Сергели туман бўлими бошлиғи ўринбосари Нодир Хабиловга онаси **Мелохон ХАБИЛОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Муборак бўлсин!



Кўп йиллар самарали фаолият кўрсатиб, ёш мутахассисларга касб сирларини ўргатган прокуратура фахрийси Саïда Ибрагимова табаррук 75 ёшни қарши олмоқда.

У меҳнат фаолияти давомида Қашқадарё вилоят прокуратураси тизимида шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, вилоят прокуратурасида бўлим прокурори, вилоят прокурорининг ёрдамчиси, катта ёрдамчиси ва туман прокурорининг ўринбосари лавозимларида самарали хизмат қилди.

Саïда Ибрагимова қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашиб, хизмат бурчига содиқлиги билан ҳамкасблари хурматиغا сазовор бўлди.

Самимийлик ва фидойилик каби фазилатлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари орасида хурмат қозонди. Бугун унинг шогирдлари уни тажрибали мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак қадрлайдилар.

Саïда Ибрагимованинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча мартаба рағбатлантирилди.

Хурматли Саïда Ибрагимова, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сийҳат-саломатлик, оилавий тотувлик, хондонингизга тинчлик-хотиржамлик ҳамда файзу барака тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

Айни кунларда энг улуғ ва энг азиз айём — Ватанимиз мустақиллигининг қўлуғ 24 йиллиги ҳамда «Кексаларни эъзозлаш йили» муносабати билан мамлакатимиздаги барча маданият ва истироҳат боғларида "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шiori остида маданий-муסיқий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Боғда муסיқий кеча

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида навқирон авлод қалби ва онгида эзгу гоғларни мустаҳкам қарор топтириш, уларни ватанпарварлик, фидойилик, юртга садоқат, миллий анъана ва қадриятларимизга хурмат-эҳтиром руҳида тарбиялашнинг муҳим шарти сифатида миллий муסיқа санъатини ривожлантириш масалалари доимий эътиборда бўлиб келмоқда.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида эса уруш ва меҳнат фахрийлари, пенсионерларга юқори даражада маданий хизмат кўрсатиш, миллий ижрочилик санъатини янада ривожлантириш, ибратли анъана ва қадриятларимизнинг мазмун-моҳиятини ёш авлодга чуқур тушунтиришга доир кўплаб маърифий лойиҳалар, маданий тадбирлар ташкил этилмоқда.

Шундай тадбирлардан бири пойтахт-

тимизнинг Гафур Фулоҳ ҳамда Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғларида бўлиб ўтди. Бундай байрамона тадбирларнинг ташкил этилиши табаррук ёшдаги инсонлар билан бирга ўсиб келаётган ёш авлоднинг миллий муסיқа санъатимизга бўлган иштиёқи ва қизиқшини тобора кучайтиришда алоҳида аҳамият касб этади. Шундай улуғ байрамлар арафасида халқимиз учун файзли муסיқий кечаларнинг ўтказилаётгани табаррук ёшдаги инсонларга кўрсатилаётган хурмат-эҳтиромнинг яна бир ёрқин намунаси дур.

Файзли оқшомда жонажон Ўзбекистонимиз, истиқлолимиз, унинг саодатли неъматлари, тинч-осуда ҳаётимиз, меҳнатсевар ва меҳридарлар халқимиз, чин инсоний фазилатларни таранум этувчи дилрабо куй-қўшиқлар янгради.

Ўз мухбиримиз

Реклама (эълон)

2015 йил 24 июль куни

"Fitch Ratings"
халқаро рейтинг агентлиги



«Микрокредитбанк»

акциядорлик-тижорат банкининг

халқаро рейтинг кўрсаткичини

«БАРҚАРОР»

деб баҳолади

Хизматлар лицензияланган

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:

Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:

Hakimboy HALIMOV
Gulnoza RAHIMOVA

Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Kamoliddin ASQAROV
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85

E-mail:

huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'yozmalar taqir
qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan
ferqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib
bosish faqat tahririyat ruxsati bilan
amalg oshiriladi.

□ — tijorat materiali.

Buyurtma s-3543.43 402 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: M.DUSIYAROVA
Sahifalovchi: S.BABAJANOV
Navbatchi: O'.DEHQONOV

Bosmoxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonaga manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Nashr ko'rsatkichi
231

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi matbuot
va axborot agentligida
2009-yil 12-oktabrda
0188-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

